

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ**



**“ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУЛари ВА УЛАРНИНГ  
ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ШАКЛАНТИРИЛИШИ  
ҲАМДА ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ” МАВЗУСИ БЎЙИЧА**

**МАЪРУЗА МАТНИ**

*(2014-2015 ўқув йили учун)*

**Кафедра мудири  
ю.ф.д. Б.Тошев**

**Тошкент - 2015**

## **Мавзу: Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг демократик хукукий давлатнинг шакллантирилиши ҳамда фаолиятидаги ўрни**

### **Режас:**

1. *Кириши*
2. *Кучли давлатдан кучли жамият сари» гоясининг моҳияти*
3. *Ижтимоий тузилмалар ривожланнишининг 2013 йилгача бўлган аҳволи.*
4. *Ижтимоий тузилмаларни ривожлантириши ва қўллаб-қувватлаши концепцияси.*
5. *Ўзини-ўзи бошқарии органлари фаолиятини такомиллаштириши масалалари*
6. *Бизнес тузилмаларнинг масъулияти: ижтимоий ҳамкорлик ва ташаббуслар.*
7. *Жамоат назоратини ўрнатиши.*
8. *Фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари ва тузилмалари.*
9. *Фуқаролар мурожсаати – фуқаролик жамияти манфаати.*
10. *Фуқаролар мурожсаати – фуқаролик жамияти манфаати.*
11. *Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланниши ва давлат ваколатларини маҳаллий ҳокимияти органларига, нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органларига босқичма-босқич ўтказиши масалалари.*
12. *Фуқаролар мурожсаати – фуқаролик жамияти манфаати*

### **Кириш.**

Миллий давлатчилигимиз хукукий асосларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш ва мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиши мақсадида кейинги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” юқоридаги масалаларни ҳал этиш, ислоҳотларни юқори босқичга кўтариш, уни амалга оширишнинг яқин йилларга мўлжалланган стратегик ўйналишларини белгилаб берди.

Концепцияда белгиланган давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда Президентимиз давлат ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, ҳокимият тармоқларини, хусусан парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Бугунги кунда давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёsat юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатdir.

Концепциянинг “Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириши ва ривожлантириши” йўналишида Ўзбекистон босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври таҳлил этилиши билан бирга, ушбу соҳада изчил ислоҳотлар ўтказиш, унинг хукукий асосларини ривожлантириш ва ислоҳотларни амалда таъминлашга қаратилган асосий вазифалар белгилаб берилди.

**«Кучли давлатдан кучли жамият сари» гоясининг моҳияти**

Маълумки, кишилик жамияти турли сиёсий тузум ва бошқарувлар асосида ривожланиб келгун. Мустақиллик туфайли республикамиизда давлат ҳокимияти бўғинларининг қонуний бўлинишига асосланган давлат бошқаруви ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси кучли давлат сифатида ўзини-ўзи ҳимоя қилиши, қабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланиб жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Ҳар қандай жамиятда ҳам давлат кучли бўлгандагина ўз функцияларини ижтимоий тузилмаларга ўтказиб боради. Ижтимий тузилмалар жамият бошқаруvida муносиб иштирок этса, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни зиммасига олса, ҳар бир йуқаронинг давлат ва жамият бошқаруvida эркин иштирокини таъминлашга эришса, бу жамият кучли жамият сифатида тан олинади.

Кучли жамият ҳар қандай муаммони ўзи ҳал этади. Ҳар бир фуқаро эса ўзининг сиёсий ҳамда иқтисодий имкониятларидан фойдалана олмади, жамиятнинг фаол аъзосига, муҳими унинг бошқарувчисига айланади. Бошқарув жараёнida жаматчиликнинг иштироки ортиб, маҳаллий ҳқимият билан улар ўртасидаги муносабатлар бирлашиб боради. Шу йўл билан ўзини-ўзи бошқарадиган жамият барпо этилади. Аммо, бу жараён тез кечадиган ижтимоий ҳодиса эмас. Булар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосини ташкил этади. Кучли фуқаролик жамияти-турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, юқори савиядаги сиёсий фуқаролар фаоллиги билан характерланади. Кучли давлат эса кучли жамият шаклланишида ислоҳотчилик қилиши мумкин. Давлат ислоҳотчи сифатида ўзининг қатор вазифаларини турли ижтимоий тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиб бориши лозим. Бунинг учун эса жамоат тузилмалари доимо давлатнинг ёрдамига, унинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади.

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш гояси Президентимиз И.Каримовга тегишли бўлиб, у «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясининг таркибий қисми ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари билан боғлиқ муносабатлар ва тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, нодавлат секторнинг ривожлантирилиши давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай бўлсада, республикада нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа жамоат тузилмаларини тузиш, уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратилганига қарамай, бундай тузилмалар ўз вазифаларини амалга оширишда қатор қийинчиликлар дуч келмоқда. Бунинг сабабларидан бири бундай жамоат тузилмалари фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадли ва йўналтирилган, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурининг ишлаб чиқилмаганлиги, давлат органлари билан улар ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш тизимининг яратилмаганлиги, мавжуд қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмаганидир. Нодавлат, жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмалар ишлаб чиқилиши юқоридаги муаммонинг ечимини таъминлаши мумкин.

### ***Ижтимоий тузилмалар ривожланишининг 2013 йилгача бўлган аҳволи***

Мустақилликнинг дастлабки йилларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамат тузилмалари уюшмалар, жамғармалар, марказлар, ассоциациялар, сиёсий партиялар шаклида тузилиб, ривожланиб келди. 2002 йилнинг август ойига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан бевосита 265 та республика, 73 та халқаро мақомга эга бўлган, жами бўлиб 338 та нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган. Вилоятлар адлия бошқармалари томонидан эса 2972 та шундай ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, республика бўйича уларнинг сони 3310 тани ташкил этади.

Рўйхатга олинган ташкилотлар ичидаги 77 та жамият, 16 та касаба уюшмаси, 4 та сиёсий партия, 3 та ҳаракат, 57 та жамғарма, 45 та федерация, 25 та марказ, 50 та ассоциация, 5 та қўмита ва 58 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Таҳлиллар шунни қўрсатадики, республикада нодавлат нотижорат ташкилотлари қўйидаги босқичларда ривожланиб борди.

Хусусан, 1993-1996 йилларда 333 та ташкилот, 1997-2002 йилларда 1167 та ташкилот рўйхатга олинган. Республика мақомига эга бўлган ташкилотлар 1998 йилда (62 та) ва 2000 йилда (63 та) бошқа йилларга нисбатан кўпроқ рўйхатга олинган. Бундан кўриниб турибдик, бу йилларда фуқаролар сиёсий фаоллиги анча ошган ва шунча янги ташкилотга эҳтиёж бўлган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги янги қонунчиликнинг яратилганлиги бу жараённи янада тезлаштириди. Айниқса, давлатимиз раҳбари томнидан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ижтимоий тузилмаларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш билан боғлиқ чиқишлари ҳамда фикрлари бу жараёнларни тезлаштириш, уларга янада ижобий муносабатда бўлиш лозимлиги қўрсатди.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қилган маъruzасида референдум яқунлари, унинг моҳияти ва келгуси ҳаётимиздаги таъсири фақат референдумга қўйилаган масалалар билан чекланиб қолмаслиги, балки давлат ва жамият ҳаётидаги кўпгина соҳаларга тегишли эканлигини уқтириб ўтди. Хусусан, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» гоясининг амалга оширилишида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ҳақида билдирилган фикрлар барчамизга ушбу масаланинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириб бериш масъулиятини юклайди. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун эса «давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қўйи тизимга, шу жумладан, ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади».

Давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчиликнинг иштироқи:

биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-кувватланиши;

иккинчидан, жамоат назоратини амалга ошириш;

учинчидан, давлат органларининг айрим ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказиб бориш;

тўртингидан, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади.

Бундай муҳим масалаларни ҳал этиш учун эса, нодавлат нотижорат ташкилотларга етарли эътибор берилиши ва улар фаолиятининг тегишли хукуқий асоси яратилиши, амалиётда бу соҳада тўпланган тажрибалар ва муносабатлар қонунчиликда ўз ифодасини топиши керак. Шу жиҳатдан, «Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳозирги кундаги долзарб масалардан биридир.

Нодавлат, жамоат тузилмаларини қўллаб-кувватлаш, бу институтларнинг мустақиллигини таъминлаш учун қонун асосида «маҳсус молиявий жамғарма» ташкил этиш тўғрисидаги таклиф эса барча олимлар, мутахассислар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар олдига катта вазифа юклайди.

Бундай маҳсус жамғарманинг бўлиши нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, демократик институтларнинг тўлиқ мустақиллигини таъмийлайди. Янги тузиладиган нодавлат, жамоат тузилмаларининг қисқа муддатларда жамиятда ўз ўрнини топиши, манфаатли дастур ва лойиҳаларини тегишли тартибда молиялаш, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаб олиш келгусида ҳар жиҳатдан шу жамғармага боғлиқ бўлади.

Янги қонун лойиҳасида жамғарма ва нодавлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги мувозанатни, ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига тобе бўлмаган муносабатларни шакллантириш ҳамда таъминлашда қўйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади.

қонун лойиҳасида жамғарманинг мақоми, унинг тузилмаси, уни бошқариш тартиби, у томондан қабул қилинадиган хужжатларнинг юридик кучи, ҳаракати ва таъсир доираси, бошқа нодавлат, жамоат тузилмалари билан ўзаро муносабати, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, молиявий манбалари ва тушумларнинг шаклланиш тартиби, маблағлар тақсимоти, сарф-харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, молиялаштирилиши таклиф этилаётган лойиҳаларни кўриб чиқиш тартиби, жамғарманинг давлат органлари билан муносабати каби бир қатор муҳим масалалар ўз аксини топиши лозим.

Масалан, Англияда нодавлат нотижорат ташкилотларга имтиёз бериш, грантлар ажратиш, солиқ солиши масалалари жамоат ташкилотлари билаш ишлаш комиссияси томонидан кўриб чиқиласди. Комиссия давлат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар уюшмаси билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкилотларга тегишли қўшимча имтиёзларни ўзаро биргаликда қабул қилган хulosаси ва розилигига асосан бериши мумкин. Комиссиянинг ваколати ва мақоми эса тегишли қонунларда белгиланган. Айни вақтда Англияда 400 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлса, шулардан 180 мингдан ортиги хайрия ташкилотларига мақомига эга бўлиб, тегишли солиқ ҳамда шу каби бошқа тўловларда алоҳида имтиёзларга эга.

Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг амалда тўла мустақиллигини таъминлаш юқорида зикр этилган жамғарманинг ташкилий-ҳуқуқий тузилишига ҳам бевосита боғлиқdir.

Назаримизда жамғарма маблағини давлат бюджетидан ажратмалар, давлат органлари ва ташкилотлар, барча хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар ва фуқаролар томонидан беғараз ўтказиб туриладиган хайрия тушумлари, ҳомийлик маблағи ва ажратмалар, қонун билан йўл қўйилган бошқа манбалар ташкил этиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтириш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эркин, очик фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги асосий ҳаракатлардан бири ҳисобланади. Президентимиз айтганидек, «айни пайтда, нодавлат жамоат тузилмаларини яратиш жараёнини рағбатлантиришга оид бошқа иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни ҳам ишлаб чиқишимиз лозим». Бунда хорижий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ва халқаро хужжатлардан фойдаланиш ва энг аввало, тарихий ва маънавий қадриятларимиз, мустақиллик йилларида орттирган тажрибаларимизга асосланиш даркор.

### ***Ижтимоий тузилмаларни ривожлантириши ва қўллаб-қувватлаши концепцияси.***

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади-республикамизда бундай тузилмаларга оид ижтимоий сиёsat юритишнинг янги моделини яратиш, бу тузилмалар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларни ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ечишга жалб этиш, уларга ахборот, маслаҳат, услубий, ташкилий-техник жиҳатдан кўмаклашиш, шунингдек, давлат ижтимоий буюртмалари орқали бу тузилмалар фаолиятини жадаллаштиришдан иборат.

Юқоридаги мақсадни амалга оширишда қўйидаги вазифалар келиб чиқади:

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари ўртасида ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш;

фуқаролик ташаббускорлигини ўстиришга шароит яратиш;

давлат ижтимоий буюртмалари орқали нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамат тузилмаларининг ижтимоий йўналишдаги дастурларини млиялаштириш;

давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари ҳамкорлиги бўйича маслаҳат кенгашлари тузиш;

бергаликдаги илмий, амалий, халқаро тадбирларини ўтказиб туриш;

жамоат тузилмаларини ахборотлар билан таъминлаш;

жамоат тузилмаларини рўйхатга олиш тизимини такомиллаштириш;

жамоат тузилмаларини бошқариш тизимини шакллантириш ва кадрлар малакасини ширисига кўмаклашиш ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантиришга оид давлат сиёсатини юритишда чуқур ва пухта ўйлаган илмий-назарий концепция ишлаб чиқилиши лозим. Концепция асосини эса, шубҳасиз, Президентимиз И.Каримов томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик институтларнинг бу соҳадаги вазифаларига оид кўплаб билдирган назарий таклифлари ва ғоялари ташкил этиши мухимдир. Концепцияда миллий истиқлол ғоясини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган кўп фикрлилик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари ва қоидаларнинг мужассамлаштирилиши унинг устуворлигини таъминлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини илмий жиҳатдан асосланган янги концепция асосида ривожланиши кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга олиб келади. Концепцияни яратишда эса мавжуд жамоат ташкилотлари фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш орқали уларнинг бошқариш асослари алоҳида ўрганилса, мақсад мувофиқ иш бўларди.

### ***Ижтимоий тузилмаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий тамойиллари ва шакллари.***

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва унинг шаклларини ишлаб чиқишида барча демократик тамойилларга риоя этиш лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ахборот билан таъминлаш, маслаҳат жиҳатидан, услубий жиҳатдан, ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий буюртма бериш каби шаклларда амалга оширилади.

Ахборот билан таъминланган қўллаб-қувватлаш-бу нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш, телевидения, радиодан фойдаланишда кенг имкониятлар яратиш, электрон тарғибт воситалари орқали ахборот тарқатишга шарт-шароит яратиш, улар томонидан керакли ахборот олиш кафолатларини таъминлашдан иборат.

Маслаҳат жиҳатидан қўллаб-қувватлаш-бу амалдаги қунунчиликни, меъёрий ҳужжатларни к-ўллашга доир тушунтиришлар бериб бориш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бишқа жамоат тузилмаларини тузиш, рўйхатга олиш, уларни бошқариш шакл ва усувлари, молиявий донорлар ва грант берувчилар, давлат қўмагини олиш йўллари ва шартлари, ўтказилаётган танловлар, давлат органлари ва бошқа субъектлар тўғрисида маълумот ва тушунтиришлар беришдир.

Услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш-бу услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, ахборотли материаллар, қўлланмалар, қўргазмали қуроллар яратиш ва бошқа воситали йўллардан фойдаланиш.

Ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш-бу семинар, конференция, давра сухбати, тренинг, ўқув ва малака ошириш курсларини ташкил этишдан иборат.

Ижтимоий буюртма бериш деганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун қулай ва манфаатли йўналиш бўлиб, бунда давлат ва давлат органлари томонидан ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган, мақсадли тадбир ва акцияларни, аниқ муаммоларни ечишга қаратилган тадбирларни ўтказишда қатнашиш учун молиявий қўмак олиш мақсадида турли тендер ва танловлар эълон қилиш тушунилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий тузилмаларни ривожлантириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш;

хукумат томонидан бу секторни ривожлантиришга оид давлат дастурини қабул қилиш;

бундай тузилмаларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиш, соддалаштирилган тартиби яратиш;

хукумат билан бу тузилмалар ўртасида манфаатли шартномавий муносабатларга ўтиш ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб қувватлашга қаратилган комплекс тадбирлар орасида янги қонунчиликнинг яратилиши муҳим ҳисобланади. Янги қонунчиликда эса халқаро ҳукуқнинг устивор тамойиллари ва қоидалари, халқаро тажрибалар инобатга олиниши лозим. Чунки, ривожланган мамлакатлардаги мавжуд қонунчилик фуқаролик жамиятининг бу институтини ҳар томонлама шакллантириш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар берган.

### ***Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириши масалалари.***

Кучли фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни муҳим ҳисобланади. Републикамида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун билан ўзини ўзи бошқаришнинг яхлит тизими яратилган. Дунёнинг камдан-кам мамлакатида учрайдиган бундай ижтимоий тузилма ўзининг демократлиги ва изчил бошқарувга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Президентимиз И.Каримов айтганидек, «...одамларнинг сиёсий нги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб бргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-бсқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуклар бериш катта аҳамият касб этади». Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда давлатнинг бир қатор функциялари ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилганлиги ижобий натижалар берадиганинг гувоҳимиз. Яъни, бу органлар жойларда бир қатор ижтимоий ҳимоя, иқтисодий масалалар, маданий-маърифий соҳа, атроф-муҳит ҳимоясига оид давлат зиммасида бўлган кўплаб масалаларни ишонарли адо этиб келмоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари айни вақтда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам катта бир ижтимоий мактаб ҳисобланади. Жамият бушқаруви эркинлаштирилаётган бир вақтда бундай тузилманинг фаолиятини ҳам такомиллаштириш, мавжуд қонунчиликни танқидий руҳда кўриб чиқиш лозим бўлади.

Масалан, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон қонунининг 17-моддасига кўра республикада Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва жойларда мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиши кўрсатилган бўлсада, лекин бундай кенгашлар нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тузилиб, тегишлича рўйхатга олинган, яъни уларга юридик шахс мақми берилган. Амалдаги қонунчиликка кўра нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятларини мувофиқлаштириш ваколатига эга эмас. Амалиётдаги бу ҳолат фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтиришга таъсир кўрсатади.

Амалдаги бу соҳага оид қунунчиликда шаҳар ва қишлоқлардаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳам ваколат нуқтаи назаридан ҳам қарама-қарши нормалар мавжуд. Масалан, қишлоқлардаги бу тузилма давлат аҳамиятига эга бўлган бир қатор ҳаракатларлар- никоҳни расмийлаштириш, туғилганлик ва ўлим фактларини қайд этиш, тегишли гувоҳномалар бериш, солик ва бошқа тўловлар ундириш, маълум тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқса, шаҳарлардаги тузилма (маҳалла)лар бундай ваколатга эга эмас. Бу эса бир мамлакат фуқароларига икки хил ҳуқуқий муносабатда бўлишни англатади, назаримизда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларига ўхшаган жамоат тузилмаси ҳисобланади. Уларнинг шакллантирилиши демократик асосларда-сайловлар орқали амалга оширилади. Шундай экан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига факат ижтимоий характерга эга бўлган вазифалар юклатилиши лозим. Бундай тузилмалар бевсита давлат органлари ваколатига кирадиган вазифаларни бажаришдан озод этилиши ўз функцияларини ижтимоий тузилмаларга ўтказиб боради. Ижтимоий тузилмалар жамият бошқарувида

муносиб иштирок этса, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни зиммасига олса, ҳар бир йўқаронинг давлат ва жамият бошқарувида эркин иштирокини таъминлашга эришса, бу жамият кучли жамият сифатида тан олинади.

Кучли жамият ҳар кандай муаммони ўзи ҳал этади. Ҳар бир фуқаро эса ўзининг сиёсий ҳамда иқтисодий имкониятларидан фойдалана олмади, жамиятнинг фаол аъзосига, муҳими унинг бошқарувчисига айланади. Бошқарув жараённада жаматчиликнинг иштироки ортиб, маҳаллий ҳқимият билан улар ўртасидаги муносабатлар бирлашиб боради. Шу йўл билан ўзини-ўзи бошқарадиган жамият барпо этилади. Аммо, бу жараён тез кечадиган ижтимоий ҳодиса эмас. Булар демократик хуқуқий давлатнинг асосини ташкил этади. Кучли фуқаролик жамияти-турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, юқори савиядаги сиёсий фуқаролар фаоллиги билан характерланади. Кучли давлат эса кучли жамият шаклланишида ислоҳотчилик қилиши мумкин. Давлат ислоҳотчи сифатида ўзининг қатор вазифаларини турли ижтимоий тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиб бориши лозим. Бунинг учун эса жамоат тузилмалари доимо давлатнинг ёрдамига, унинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади.

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ғояси Президентимиз И.Каримовга тегишли бўлиб, у «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясининг таркибий қисми ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари билан боғлиқ муносабатлар ва тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармойиши қабул қилинди.

Фармойишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 8 та эксперт гурухлари ташкил этилиб, шундан 6 та эксперт гурухига норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши, 2 та эксперт гурухига эса Концепция доирасида тегишли (*тарғибот, мониторинг ва ўрганиш*) тадбирларни амалга ошириш вазифалари юкланган. Бундан ташқари, кенг мулоқот ташкил этиш учун мустақил жамоатчилик комиссияларини жорий этиш бўйича ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш юзасидан алоҳида эксперт гуруҳи ташкил этилди.

Юқоридаги Фармойишга кўра Концепция ижроси юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича Комиссия таркиби тасдиқланган. Комиссияга ўз навбатида қўйидаги:

*биринчидан*, ижтимоий-иқтисодий датсурларнинг амалга оширилишида фуқарлик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари хуқуқ ва манфаатлари химоясини таъминлаш “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги, Қонун лойиҳаси ҳамда Инсон хуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат Дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

*иккинчидан*, юқлатилган вазифалар доирасида ўз-ўзини бошқариш органларининг хуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш мақсадида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

*учинчидан*, юқлатилган вазифалар доирасида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жамоат назортининг тизимли, самарали механизmlарини яратиш мақсадида, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, ҳамда “Маъмурий

жавобгарлик тұғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва құшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойихаларини ишлаб чиқиши;

түртпинчидан, Экохаракат фаолиятини қонунчилик доирасида такомиллаштириш, атроф-мухит мухофазасини давлат дастурлари доирасида таъминлаш мақсадида “Экологик назорат тұғрисида”ги Қонун лойихасини ишлаб чиқиши вазифалари юклатылған.

Юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Комиссия хузурида эксперtlар гурухи тузилған бўлиб, унга депутатлар, сенаторлар, вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, юридик ҳамда социология соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар киритилди. Бугунги кунда эксперт гурухлари томонидан ишлаб чиқилған юқорида номлари кўрсатилған қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актлар лойихалари ишлаб чиқилған ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти ўзининг таркиби ва амалга ошириладиган ишлар кўламига билан фарқланади. Яъни, фуқаролик жамияти нодавлат нотижорат ташкилотлари, турли ижтимоий ҳаракатлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги ўзаро ҳаракати бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, муассасалар ва ташкилот билан у ёки бу масалада ҳамкорлик ўрнатиш орқали белгилаб олинган вазифаларни амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга қаратилгани, ташаббусларга асослангани, янги ғоя ва ҳаракатларнинг қўллаб-кувватланишида намоён бўлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тұғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу конунда ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқук ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизmlарни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий давлатчилик асослари шакллантирилиши билан бирга, миллий қадриятлар ва удумларимизга ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Урф-одатлар эса ижтимоий ҳимояга йўналтирилған давлат сиёсати билан бирга ўзининг ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Ижтимоий ҳимоя, ногиронларга эътибор, етим-есирлар ҳимояси, кам таъминланган оиласаларни қўллаб-кувватлаш, қатағон қурбонларининг реабилитациясида давлатнинг муруввати ҳам қонунчиликда, ҳам институционал ривожланишда акс эта бошлади. Ана шу жойда “ижтимоий ҳамкорлик” деган тушунча кўзга ташланди. Бу асрлар давомида амалда бўлган миллий хусусиятимиз (менталитет) намойишидир.

Бир қараганда ижтимоий ҳамкорлик иқтисодий, ижтимоий, маънавий тушунчадек кўринса-да, аслида у ҳуқуқий йўналишдаги катта соҳалардан биридир. Ҳозирги вактда у меҳнат соҳасида, ижтимоий таъминот соҳасидаги қонунчиликда кенг қўлланиб келинади. Ижтимоий ҳамкорлик жаоавий характерда ёки ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қўлланадиган жамоавий шартномаларда ўз аксини топган. У асосан меҳнат қонунчилигига у ёки бу кўринишдаги муносабатларни тартибга солиша намоён бўлади.

Халқаро доирада ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси ўз аксини Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти (МОТ)нинг жамоавий ҳамкорликни юритиш тұғрисидаги 98-Конвенциясида биринчи марта ўз аксини топган. Конвенция тадбиркорлик ва бизнес тузилмаларининг кўнгиллилар сифатида иш берувчи тариқасида меҳнаткашлар билан меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақидаги жамоавий шартномаларнинг мазмунини очиб берди.

“Ижтимоий ҳамкорлик” тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилиши орқали ўз моҳиятига эга. Кенг маънода ижтимоий ҳамкорлик деганда бу нодавлат нотижорат ташкилотлар, тижорат ташкилотлари ва давлат ўртасида ижтимоий ҳаётнинг турли

соҳаларидаги ҳамкорлиги тушунилади. Тор маънода ижтимоий ҳамкорлик деганда эса давлатнинг фаол иштирокида вужудга келадиган ижтимоий-мехнат соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар тушунилади.

Ижтимоий ҳамкорлик ижтимоий муносабатларнинг бошқа соҳалари каби муайян ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади, чунки давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий қулай шароитларни талаб этади.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси кўпгина ғарб давлатларининг конституциялари ва қонунчилигига алоҳида норма сифатида ўрнатилган. Масалан, Бельгияда – 1948 йилда, ГФРда – 1952 йилда, Австрияда 1957 йилда, Францияда – 1958 йилда Шимолий Европа мамлакатларида – 1970 йилларда мустаҳкамланиб, ўзининг ҳуқуқий талқинига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига “ижтимоий ҳамкорлик” тушунчасига таъриф берилмаган бўлса-да, лекин унда ижтимоий ҳамкорликнинг ривожланиш тамойилларини белгилайдиган давлат ва бошқа ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кўллаб-куватладиган бир қатор қоидалар мавжуд.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, “Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳамкорлик тизимини самарали ишлаши, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий лойиҳаларни уларнинг имкониятлари ва ресурсларини бирлаштирган ҳолда амалга оширишда ҳамкорлиги учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий база яратилиши имконин беради.

Бизнингча, қонун лойиҳасида ўзаро ҳамкорликнинг асосий шакллари сифатида ижтимоий ҳамкорлик бўйича комиссияларни тузиш; ижтимоий ҳамкорлик субъектлари ўртасида ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича ахборот алмашиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ўзаро маслаҳатлашувлар ва музокаралар олиб бориш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган мақсадли дастурларни биргаликда ишлаб чиқиши, бажариш ва қўллаб-куватлаш; ижтимоий ҳамкорлик соҳасида келишувларни тузиш; ижтимоий ҳамкорлик субъектлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган мақсадли дастурларни бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш белгиланиши керак.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига қараганда, ижтимоий ҳамкорликнинг таъсирчан шакли бўлиб ушбу соҳада келишувларга эришиш хисобланади. Бугунги қарашлар ва амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳамкорликни қуидагича тушунтириш мумкин. Ижтимоий ҳакморлик:

бу тенгликка асосланган, ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмаклашишга қаратилган шартномавий келишув;

у давлат ва жамиятнинг бир хилда ривожланишида мувозанатни таъминловчи омил;

у жамиятнинг кам таъминланган ва қўшимча ҳимояга муҳтож қатламини бевосита ҳимояга олиниши хақида хабардор қиласидаги категориядир;

у давлатга кўмаклашувчи, қонунларнинг қаттиқ нормаларини юмшатувчи тамойиллар мажмуидир;

у мурувват ва қонун нормалари ўртасидаги боғловчи кўприк;

у адолат мезонининг очик кўринишидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қонунлар асосан-хайрия фаолияти, давлат айрим функцияларини амалга оширишда иштирок этиш, фуқаролар иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бирор-бир кўринишидаги ижтимоий тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишларда намоён бўлмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик бевосита жамоат назоратининг вужудга келиши ва уни амалда таъминлаш учун қулай мұхитнинг яратилига ҳам олиб келади. Ижтимоий ҳамкорлик кенг ривожланган жойда албатта жамоат назоратини таъминлаш ва уни ўтказиш имконини беради.

***Бизнес тузилмаларнинг масъулияти: ижтимоий ҳамкорлик ва ташаббуслар.***

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий давлатчилик асослари шакллантирилиши билан бирга, миллий қадриятлар ва удумларимизга ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Урф-одатлар эса ижтимоий ҳимояга йўналтирилган давлат сиёсати билан бирга ўзининг ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Ижтимоий ҳимоя, ногиронларга эътибор, етим-есирлар ҳимояси, кам таъминланган оиласларни қўллаб-куватлаш, қатағон қурбонларининг реабилитациясида давлатнинг муруввати ҳам қонунчилиқда, ҳам институционал ривожланишда акс эта бошлади. Ана шу жойда “ижтимоий ҳамкорлик” деган тушунча кўзга ташланди. Бу асрлар давомида амалда бўлган миллий менталитетимизнинг намойишидир.

Бир қараганда ижтимоий ҳамкорлик иқтисодий, ижтимоий, маънавий тушунчадек кўринса-да, аслида у хуқуқий йўналишдаги катта соҳалардан биридир. Ҳозирги вактда у меҳнат соҳасида, ижтимоий таъминот соҳасидаги қонунчилиқда кенг қўлланиб келинади. Ижтимоий ҳамкорлик жаоавий характерда ёки ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қўлланадиган жамоавий шартномаларда ўз аксини топган. У асосан меҳнат қонунчилигига у ёки бу кўринишдаги муносабатларни тартибга солища намоён бўлади.

Бугунги кунда бутун дунёда олимлар ўртасида ижтимоий ҳамкорликка нисбатан турлича қаравшлар бор. Бизнинча, ижтимоий ҳамкорлик жамиятни ҳаракатга келтирувчи омил сифатида, унинг иштирокчиларини бир-бирига нисбатан диалог ўрнатишга қаратилганлиги билан ажralиб туради. Масалан, Россия Федерациясида 1992 йил 11 марта қабул қилинган “Жамоавий шартномалар ва битимлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу хуқуқий тушунчанинг қонунчилиқда дастлабки қўлланишидан далолат беради.

Халқаро доирада эса, ижтимоий ҳамкорлик тушунчаси ўз аксини Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти (МОТ)нинг жамоавий ҳамкорликни юритиш тўғрисидаги 98-Конвенциясида биринчи марта ўз аксини топган. Конвенция тадбиркорлик ва бизнес тузилмаларининг кўнгиллилар сифатида иш берувчи тариқасида меҳнаткашлар билан меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақидаги жамоавий шартномаларнинг мазмунини очиб берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташкилотлар, корхоналар, бизнес тузилмалари билан ходимлар ўртасида тенглик ва шерикчиликка асосланган ижтимоий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар рағбатлантирилади. Яъни, иш берувчи ўз ходимининг барча истак ва талабаларини қондириш билан бирга, шартнома тузиш орқали манфаатларини ҳам тан олади, ҳамкорликка унрайди. Масалан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 23-55-моддаларида меҳнат соҳасида ижтимоий ҳамкорликка қаратилган нормалар ўз аксини топган. Кодекснинг 22-моддасида эса ижтимоий ҳамкорликка таъриф берилиб, унда ҳамкорлик принциплари кўрсатилган.

Бугунги қаравшлар ва амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳамкорликни қўйидагича тушунтириш мумкин. Ижтимоий ҳакморлик:

- бу тенгликка асосланган, ижтимоий масалаларни ҳал этишга кўмаклашишга қаратилган шартномавий келишув;
- у давлат ва жамиятнинг бир хилда ривожланишида мувозанатни таъминловчи омил;
- у жамиятнинг кам таъминланган ва қўшимча ҳимояга муҳтож қатламини бевосита ҳимояга олинishi ҳақида хабардор қиласидаган категориядир;
- у давлатга кўмаклашувчи, қонунларнинг қаттиқ нормаларини юмшатувчи тамойиллар мажмуидир;
- у мурувват ва қонун нормалари ўртасидаги боғловчи қўприк;
- уadolat мезонининг очиқ кўринишидир.

Ана шу юқорида санаб кўрсатилган барча унсур ва ҳаракатлар давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосини, унинг принципларини кўрсатади. Тан олиш керакки, бу жиҳатлар ҳали қонунчилигимизда етарлича ўз аксини топмаган.

Мамлакатимизда қабул қилинган ижтимоий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қонунлар асосан-хайрия фаолияти, давлат айrim функцияларини амалга оширишда иштирок этиш, фуқаролар иқтисодий-ижтимоий хуқуқларини рўёбга чиқариш, бирор-бир кўринишдаги ижтимоий тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишларда намоён бўлмоқда.

“Адолат” СДПнинг сайловолди ҳаракат дастури ва умуман, устав фаолиятининг негизида ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш, партия электоратида жамият аъзолари билан ташкилотлар ўртасида шерикчилик ва ҳамкорликни таъминлашга эришишдан иборат. Бугунги кунда партия, хусусан, унинг депутатлик корпуси ва фракциясининг асосий вазифаси бизнес (тижорат ва тадбиркорлик) тузилмаларини партия билан ҳамкорлигини кенгайтириш, ижтимоий ҳамкорлик ўрнатишга чақиришдан иборат.

Бундай муҳим ва асосий вазифани амалга оширишда қайси ҳолатларга эътибор қаратилиши лозим.

*Биринчидан*, маълумки бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини ўз уставларига кўра амалга оширадилар. Уставда белгиланган турли мақсад ва вазифалар амалга оширилишида эса албатта бошқа тузилмалар, яъни давлат органлари, корхоналар, фуқаролар билан келишув асосида ёки шартномалар асосида муносабатлар ўрнатадилар. Давлат бундай муҳим вазифани ado этишда қатор нодавлат нотижорат ташкилотларга катта имтиёзлар ва имкониятлар ҳам бериб бормоқда. Масалан, республика ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватловчи жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси жамғармаси ва бошқа кўплаб ижтимоий фонdlар бизнес тузилмаларнинг ажратмалари ёки чегирмалари ҳисобидан молиявий манба ҳосил қиласди. Бу манбалар грант лойиҳалари ёки мақсадли акцияларни амалга оширишга йўналтирилган. Айни вақтда партия ўз нигоҳини бизнес тузилмалар билан шартнома асосида ижтимоий ҳамкорлик қилишга қаратмоғини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ўз навбатида бу муҳим ҳаракатни амалга оширишда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

*Иккинчидан*, партия ўз электоратини касаба уюшмалари орқали мустаҳкамлашни бош вазифа қилиб белгилаган. Айни вақтда касаба уюшмалари билан партия ўртасидаги муносабатлар нафакат шартномалар билан белгилаб олиниши, балки тўғридан-тўғри қонунчиликда ўз аксини топмоғи мақсадга мувоғиқ. Яъни, партия аъзоси у ёки бу тармоқ касаба уюшмасига бирлашган экан, меҳнат жамоасидаги касаба уюшмаси бир вақтнинг ўзида партияning суюнчиғи ҳамdir. Ҳар икки тузилманинг муносабатлари очиқ ва эркин бўлиши муҳимdir.

*Учинчидан*, партия ўзига хайриҳоҳ бўлган ва ҳамкорликка интилаётган бизнес тузилмалар билан диалог асосида муносабатларини ўрнатиши, бизнес тузилманинг молиявий манбаларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилмоғи лозим. Бизнес тузилмаларнинг ишchanlik обрўси нафакат унинг конфедициал иш юритуви ёки корпоратив бошқаруви билан, балки жамиятда ижтимоий масалаларни ҳал этишда давлатнинг ҳамкор шериги ва ёрдамчиси сифатида майдонга чиқиши билан баҳоланмоғи лозим. Давлат айни вақтда бизнес тузилмаларни турли солиқ юкини енгиллаштириш ёки имтиёзлар бериш орқали қўллаб-қувватламоқда, молиявий манбаи мустаҳкамланишига ҳам кўмак бермоқда. Бизнес тузилмалар томонидан ижтимоий ҳамкорликка киришиш жамиятнинг қайси бир қатламини манзилли қўллаб-қувватланишини ҳам англатади.

*Тўртинчидан*, ҳалқаро тажрибани синчковлик билан ўрганиш, уни таҳлил қилиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш барча тамойилларни инсон манфаатларига қаратиш, институционал тизимни мустаҳкамлашдан кўра, мақсадли ва манзилли ҳукуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган янгича меъёрларни яратишга эътибор қаратилиши лозим. Масалан, Англиядаги Оксфам хайрия ташкилотининг бугунги кунда 2000 га яқин бизнес тузилмалари, яъни турли тиҷорат пунктлари давлат берган имтиёзлар ҳисобига шакллантирган молиявий манбаси минглаб кам таъминланган фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бу жойда жамғарма нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ўзининг ғоявий маслақдош субъектларига эга. Ижтимоий ҳамкорлик шартнома асосида турли бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар орқали намойиш қилиб борилади.

*Бешинчидан*, партия фаоллари мавжуд қонунларни жойларда амалда қўллашга бевосита кўмаклашиши, ташаббус кўрсатиши, қонун амалиётини умумлаштиришга ҳисса

қўшиши, партиянинг ижтимоий ҳамкорлари сонини кўпайтиришга бевосита ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ҳар бир инсон ўз навбатида қонун нормаларини ташувчи, қонун ғояларини ўзи орқали учинчи шахсларга ўтказувчи, бир сўз билан айтганда ҳаракатланувчи ижрои ҳамдир.

Бизнес тузилмаларнинг амалиёти чуқур таҳлил этилса, уларнинг устав (низом) фаолияти йўналишлари доимо кузатиб борилса, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган янги қонунчиликни яратиш имкониятлари юзага келади.

### **Жамоат назоратини ўрнатиши.**

Жамоат назоати фуқаролик жамиятини мавжудлигини белгилайдиган омиллардан ҳисобланади. Жамоат назорати фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан таъминланадиган бўлса, уни таъсирчанлиги янада юқори бўлади. Чунки, бу органлар тарихан бир жойда гурух-гурух бўлиб яшаш орқали, жамиятнинг турли қатламларини бирлаштиради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг ўзига хос қўйидаги хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳукуқини фуқароларнинг сайлов ҳукуклари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йигинлари (вакиллар йигилиши) орқали амалга оширилиши. Бунда фуқаролар ўзлари яшайдиган ҳудудда «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланиб, ўзларининг ишонган вакилларини сайлаш орқали маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда ва йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисботларини эшлиши орқали жамоатчилик назоратини ўрнатища иштирок этади;

*иккинчидан*, уларнинг фаолияти демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби асосий принципларга асосланади;

*учинчидан*, улар жамоатчилик назоратини шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда, яъни ўзларининг ҳудудий бирликларида ўрнатади;

*тўртинчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади, уларнинг ишларига аралашиб ўйл қўймайдилар ҳамда фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳукуқларини амалга оширишда қўмаклашади;

*бешинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмасдан юридик шахс ҳукуқларидан фойдаланган ҳолда, ўз ваколатларини ўзлари мустақил амалга оширадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юқоридаги ҳукуқлардан ва қонун ҳужжатларida берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик назоратини қўйидаги йўналишларда амалга ошириши мумкин:

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилишида. Хусусан, Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳукуқига эга бўлиб, мазкур қарорлар тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек ҳудудда жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шартdir.

ҳудудда комплекс ривожлантириши таъминлашда. Маълумки, ижтимоий ривожлантириш орқали янги иш жойларини яратиш, касаначиликни тараққий топтириш, гузарлар барпо этиш ҳозирги кунда нафақат давлатнинг, балки жамоатчиликнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

ҳудудни ободонлаштириш, иморатлар куриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилишида, шунингдек, уларнинг санитария ҳолатини яхшилашда. Бу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари атроф мухитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш юзасидан ўз ваколати доирасида ҳудудда

жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш, шу соҳада чиқарган қарорлари юзасидан бажарилмаган вазифалар бўйича тегишли тақдимномалар киритиш орқали жамоатчилик назоратини ўрнатадилар;

худудда тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказишида. Бу йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати худудда яшайдиган фуқароларга муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш, тегишли маслаҳатлар бериш, замон талабларига мос, ҳалқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади;

пул маблағларининг мақсадли сарфланишида. Бу йўналишдаги жамоатчилик назоратининг бошқа йўналишлардан фарқли жиҳати шундан иборатки, бошқа йўналишларда жамоатчилик назорати асосан давлат органлари, корхоналар ва фуқароларнинг устидан ўрнатилса, бу йўналишда эса назорат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўzlари устидан ўzlари ўрнатадилар. Шу мақсадда фуқаролар йигинининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, шу жумладан тафтиш комиссияларини тузиб, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисботларини тинглайди;

хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш-даги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишда.

Ушбу йўналишларда жамоатчилик назорати қўйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали ўрнатилиши мумкин:

*биринчидан*, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, ижтимиой-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёsatни амалга оширишда иштирок этиш орқали;

*иккинчидан*, хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали;

*учинчидан*, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, меҳнат ва ўқиши шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни амалга оширишда иштирок этиш орқали;

*тўртинчидан*, жойларда миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хотин қизлар онгига таъсир ўтказиши, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш орқали;

*бешинчидан*, жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни амалга ошириш орқали.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари юқоридаги ҳуқуқдан ва қонун ҳужжатларида берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда, жамоатчилик назоратини қўйидаги йўналишларда амалга ошириши мумкин:

тегишли худудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини хисобга олишни ташкил этишда, ўсмиirlар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари музкур йўналишда жамоатчилик назоратини ўрнатишида «маҳалла посбонлари» билан биргаликда қўйидаги вазифаларни амалга ошириши лозимлигига эътиборни қаратиш мухимдир:

фуқароларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

худудга кириб чиқаётган бегона ва шубҳали шахсларни аниқлаш, фуқаролар томонидан паспорт режимига амал қилишини текшириш;

аҳоли ўртасида ёнғин ва ҳаракат хавфсизлигига риоя қилиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ичқиликбозлик ва гиёхвандликка ружу қўйғанларни, вояга етмаганларни турли хуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида юрган шахсларни, ўз уйларини ишратхоналарга айлантириб,

қўшмачилик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактика-тарбиявий тушунтириш ишларини олиб бориш;

ички ишлар идораларида ҳисобида турувчи, тарбияси оғир вояга етмаганлар билан аниқ мақсадли профилактик тадбирлар олиб бориш;

табиий оғатлар, оммавий тартиббузарликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлаш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оиласидан оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилиш, уларга оиласи билан илгаригидек муносабатларни тиклашда, ҳалол меҳнат билан кун кечиришга тезроқ киришишда руҳий жиҳатдан мадад бериш;

худудда ота-онанинг қаровсиз қолган болаларни аниқлаш ва уларни белгиланган тартибда тегишли органларга бериш;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатишини олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймасликда, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида. Мазкур соҳада назорат оиласида ота-оналарнинг фарзандларига бераётган тарбиясини ўрганиш, таълим муассасаларидан тарбиячи-ўқитувчиларнинг тарбиявий ва аҳлоқий ишларни олиб боришини таҳлил қилиш ҳамда маҳаллада, тадбирларда фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигини камситувчи чекловчи ноконуний ҳатти-ҳаракатларни ўрганиш, дин соҳасида етарли билимга эга бўлган шахслар билан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, рўйхатдан ўтмаган масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқа диний ташкилотларнинг худудда аниқланган ҳолларда зудлик билан тегишли органларга хабар бериш ва бошқалар орқали олиб борилади

Жамоатчилик назоратини янада кўчайтириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

*бираинчидан*, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро якин муносабатларини таъминлаш илгари сурилмоқда;

*иккинчидан*, "Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклиф қилинади;

*учинчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга каратилган қонунни қабул қилиш мақсад қилиб қўйилган;

*тўртинчидан*, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини қабул қилиш, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади.

Хулоса қилиб айтилганда, ижтимоий ҳамкорлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг кафолатидир. Бу кафолат айни вақтда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепциянинг “Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш” йўналишида тўлиқ ўз аксини топган. Унда белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг илмий-назарий асоларини яратиш ҳар биримиздан ташаббус ва фидойиликни талаб этади.

### ***Фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари ва тузилмалари.***

**Фуқаролик жамияти** юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимиға таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукаммал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг хуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини акс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалар, бирлашмалар, нодавлат ташкилотлар ва идоралар мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида жадал фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбай эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

**Фуқаролик жамияти** - тенг хуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини таъминлашга кўрмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизимиdir.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналарсиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алақалар тизимини ҳам камраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёjlари, манфаатлари, хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда **фуқаро, жамият ва давлат** ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, хуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва конунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг муҳим омилидир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг хуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган хуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Президент И.А.Каримовнинг таъкидлашича, «**Ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон ахолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Шу жиҳатлан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланишини секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатdir»<sup>1</sup>.**

Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ички тизимларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

**Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатланти-рувчи институтлар ва тузилмалар:**

- а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари;
- б) ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;
- в) ижара асосида ишловчи жамоалар;
- г) хиссадорлик жамиятлари;
- д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар;
- е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;
- ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

**Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи институтлар ва тузилмалар:**

- а) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи маҳсус ташкилотлар;
- б) таълим-тарбия муассалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари);
- в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
- г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- д) мустақил оммавий ахборот воситалари;
- е) диний ташкилотлар;
- ж) миллий-маданий марказлар;
- з) ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;
- и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;
- й) турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

**Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:**

- а) хукукий давлатнинг мавжудлиги;
- б) сиёсий партиялар;
- в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
- г) сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги;
- д) инсон хуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий институтлар ва тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турли туманлиги билан ажралиб туради. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

**Кенг кўламда ривож топган жамоат бирлашмалари тизимининг мавжудлиги - фуқаролик жамиятининг мухим сифат белгиларидан бириди.** Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларидағи эҳтиёж ҳамда манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

**Жамоат бирлашмалари** давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва, айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўtkаза оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 174-бет.

Жамоат бирлашмаларининг давлатга нисбатан мустақиллиги куйидагилардан кўринади:

**биринчидан**, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

**иккинчидан**, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзоларига мажбурий бўлади;

**учинчидан**, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

**тўртинчидан**, ўз мулк ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга уюшиш борасидаги конституциявий ҳуқуқи ижтимоий институтларнинг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ташкил топиши ва фаолият юритиши учун юридик асос бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмалари халқ ижодкорлиги ва ташаббусининг натижаси бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол ҳамда самарали иштирок этишининг ишончли воситасидир. Улар демократиянинг таркибий қисми ва фуқаролик жамияти ҳаётининг шакли сифатида намоён бўладилар. Конституция жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши эркинлигини кафолатлади.

Яна бир муҳим конституциявий қоидага мувофиқ, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради (58-модданинг 1-қисми).

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини аниқ белгилаш мақсадида конституциявий номаларга таянган ҳолда алоҳида қонунлар қабул қиласди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси парламенти 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун қабул қилди.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа қўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги шарт-шароит яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида катнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принципларига куйидагилар киради:

- 1) ихтиёрлик;
- 2) тенг ҳуқуқлилик;
- 3) ўзини ўзи бошқариш;
- 4) қонунийлик;
- 5) инсонпарварлик;
- 6) ошкоралик.

**Ихтиёрийлик принципи** шуни билдиради, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда қизиқишлигини ўз майлига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сиёсий партияларга кириш ёки кирмасликни фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

**Тенг ҳуқуқлилик принципи** республикадаги барча жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатишини англаатади. Бирорта жамоат бирлашмасининг сон жиҳатдан оз

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқориев X. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002, 172-177-бетлар.

бўлган бошқа жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки унинг ҳукуқларини камситишига йўл қўйилмайди.

**Ўзини ўзи бошқариш принципи** шуни англатадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

**Қонунийлик принципи** барча жамоат бирлашмаларининг ўз Низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

**Ошкоралик принципи** жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очикдан-очиқ юритилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳукуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

**Инсонпарварлик принципига** кўра, ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятида Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидлари асосида, инсоннинг хаёти, шахси ва эркинлигини, дахлизлигини тан олган ҳолда олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадга эришиш учун ташкил этилади. «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг З-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, жамоат бирлашмалари:

- фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;
- қасбкор ва ҳаваскорлик манфаатларини қондириш;
- илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;
- аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;
- маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишлари-ни ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;
- ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш, ҳалқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- ҳалқларнинг маданий мероси ва миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш;
- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;
- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилияtlарини намоён этиш мақсадида тузилади<sup>1</sup>.

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз Низомларига мувофиқ ҳалқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқа ўрнатишлари мумкин.

Сўнгги йилларда жамоат бирлашмаларини **нодавлат ташкилотлар ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (ҲҚБНТ)** тарзида таърифлаш расм бўла бошлади. Улар фаолияти орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги рўёбга чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, устави уларни **ҲҚБНТ** деб ҳисоблаш имконини берадиган 350 дан зиёд жамоат бирлашмаси бор. **ҲҚБНТ**нинг адлия органлари томонидан рўйхатга олиниши уларга юридик шахс мақомини

<sup>1</sup> Қаранг: Одилқориев X. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002, 172-177-бетлар.

беради ва давлат идоралари ҳамда бошқа жамоат муассасалари билан муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда ҲҚБНТ шаклланаётган фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташабуси билан тузилган бу кўнгилли ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади.

**Оила, мактаб, оммавий ахборот воситалари.** Фуқаролик жамияти ўзлигини намоён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда оила ва мактаб каби ноёб ташкилий тузилмалар, ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланади. Оила ҳам, мактаб ҳам фуқаролик жамиятининг ижтимоий институтлари бўлиб, муайян ижтимоий вазифани бажаради.

Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оиласда одамларнинг бир-бири билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади.

Шу муносабат билан Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «**Жамият ва оила: маънавий ва ахлоқий олам**» мавзууда сўров ўтказди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад - Ўзбекистон фуқароларининг оила ва оиласий муносабатларга караши, миллий қадриятлар ва маҳалланинг оила ҳаётидаги ўрна, бу борада барқарор анъаналарни тиклаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини аниқлаш ва ўрганишдан иборат эди. Сўровда 10 вилоят, Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳри қамраб олинди. Унда эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

**«Замонавий оила жамият ҳаётида қандай асосий вазифани ўтайди?»** деган саволга сўралганларнинг 47,5 фоизи оила жамият ва давлат асоси, дея жавоб берди. Сўров иштирокчиларининг 21,2 фоизи оила ёш авлодни тарбиялаш фазифасини бажаради, деган фикр билдириди, 11,2 фоиз сўров иштирокчиларининг фикрича, оила мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашади. 7,9 фоиз одамлар эса оила вазифасини насл қолдиришда, деб билади.

Оиланинг ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўралганлар қуйидаги фикрларни билдириди: «**у наслни давом эттириш, болалар туғилиши ва тарбияси учун зарур**» /63,2 фоиз/, «**оила - инсон қўрғони, унга ҳаётда ишонч бағишлади**» /28,8 фоиз/, «**оила одам қариганда уни таъминлаш учун зарур**» /4,9 фоиз/. Айни пайтда пойтахтликлар - сўралганларнинг 52,6 фоизи - оила улар учун, авваламбор, ҳаётда ишонч бағишловчи қўрғон эканлигини кўпроқ таъкидлашди.

Оиладаги муҳит унинг ҳар бир аъзоси шахсий хусусиятлари шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва унинг ижтимоийлашуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бола оила ичидаги муносабатларни ўзлаштиради а бу нарса унинг ўзи муваффақиятли оила қуришига таъсир қиласди. Сўровдан кўринадики, кўпчилик оилаларда руҳий муҳит анча яхши - сўралганларнинг 79,1 фоизи шундай жавоб берган. Сўралганларнинг қарийб ярми /49,3 фоиз/ оиласидаги муносабатлар ўзаро хурмат ва сабртокат, учдан биридан кўпрогида эса (28,4 фоиз) муҳаббат ва бир-бирини тушуниш тамойилига асосланади. Оилаларнинг 8 фоизида улар хурмат ва отанинг ҳал қилувчи сўзига, 7 фоизида ёши катталарнинг обрўсига, 4,2 фоизида оила аъшолари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш тамойилиги асосланади. Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, сўралганларнинг 44,6 фоизи оиласида муҳим масалалар юзасидан сўнгги қарорни одатда ота чиқаради. 30,9 фоиз оилаларда улар ота ва она томонидан бирга, 11,7 фоиз оилаларда ҳамма билан келишган ҳолда чиқарилади. 4,8 фоиз сўралганлар ҳаммаси муайян вазиятга боғлик эканлигини айтишган.

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, она /хотин/ болалар билан кўпроқ вақт ўтказади, уларнинг тарбияси билан шуғулланади. Буни сўралганларнинг жавоблари тасдиқлайди. Уларнинг 63,1 фоизи болалар тарбиясида она асосий ўрин тутишини кўрсатган. 25 фоиз сўралганлар уларнинг оилаларида она ва ота болаларга бир хилда эътибор қаратишини таъкидлади. Айни пайтда сўралганларнинг ярмидан кўпли /59,9 фоиз/ улар тарбияси билан ота ва она бирга шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайди. Уларнинг факат

учдан бирининг фикрича, бу авваламбор, онанинг вазифаси. Сўров иштирокчиларининг фикрича, бола тарбиясида оиланинг бошқа аъзоларининг роли катта эмас. «**Фарзандлари имон-эътиқодли шахс бўлиб шаклланиши, ҳаётидан рози бўлиши учун ота-оналар уларда қандай фазилатларни тарбиялашлари лозим?**» деган саволга жавоб берар экан, сўралганлар аввало меҳнатсеварликни /19,4 фоиз/ биринчи ўринга қўйиши. Иккинчи ўринни рўстгўйлик /18,2 фоиз/, учинчи ўринни ақлий ривожланиш, яхши билимларга эга бўлиш ва тўртинчи ўринни ота-онага меҳрибонлик ва хурмат эгаллади.

Сўров маҳалла жамиятимизда маънавият ва ахлоқ шаклланишида муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Маҳалла ўзининг муайян, одатга айланган ахлоқ меъёрларига эга. «**Ўз хатти-ҳаракатларингизни маҳаллада қабул қилинган меъёр ва қоидаларга мослаштириш керак, деб ҳисоблайсизми?**» деган саволга 44,6 фоиз сўралганлар ижобий жавоб берди. 34,8 фоиз одам ўз ҳаракатларини айрим ҳолатларда мослаштиришга тайёр. 15,8 фоиз одам эса маҳаллада қабул қилинган қоидалардан мустақил ҳаёт кечириш ниятида эканлигини маълум қиласди. Шундай бўлса-да, сўров қатнашчиларининг 34,6 фоизи ўз оиласи ҳаёт тарзи, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни мазкур меъёр ва қоидаларга мувофиқлаштиришни ўзининг бурчи, деб билади.

Ўтказилган тадқиқотда қатор саволлар замонавий жамиятда анъаналарнинг долзарблигини, баъзи удумларнинг ҳаётийлиги ва бошқаларининг йўқ бўлиб кетиши сабабларини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз аҳолиси кўпроқ ёқтирадиган байрамларни аниқлашга бағишлиланган эди.

Халқ анъаналарига муносабат одамларнинш малум расм-русум ва удумларни бажаришга интилишида ифодаланади. Сўров натижалари кўрсатдики, фуқароларимизнинг ярмидан кўпроғи /55,2 фоиз/ халқ анъаналарига риоя этишга, урф-одатлар ва удумларни доимо бажаришга ҳаракат қиласди. Сўралганларнинг чорагидан кўпи урф-одатларга амал қиласди, аммо доимий равишда эмас. Сўралганларнинг 64,7 фоизи аждодлар мероси бўлган халқ анъаналарини сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш зарур, деб билади ва шу боис нга амал қиласди. 11 фоиз фуқаролар эса анъаналарга амал қилишни шу халққа мансублик ифодаси деб билади. Бундан ташқари кўпгина оилаларнинг /43,9 фоиз/ ўз анъаналари ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатлар янада самимий ва сермазмун бўлишига хизмат қиласди.

Анъаналар ва миллий қадриятлар ҳамда уларнинг оилавий муносабатларда тутган ўрни ҳакида сўз кетар экан, замонавий одамлар ҳаётида байрамлар алоҳида аҳамиятга эгалигини, уларнинг оила ички ҳаётига ва ижтимоий ҳаётга таъсири катта эканини қайд этиш жоиз. Мамлакатимизда Мустақиллик қуни, Наврўз, Янги йил ва Ҳайит байрамлари энг севимли байрамлар ҳисобланади.

Тадқиқот давомида республика фуқароларининг аксарияти /85,2 фоиз/ Ўзбекистон тарихига катта қизиқиши билан қарashi аниқланди. Эътиборли томони шундаки, қишлоқ аҳолиси Ватан тарихига шаҳарликлардан кўра кўпроқ қизиқади. Умуман олганда, Ўзбекистон тарихини ўқув муассасала-рида ўрганаётган 18-20 ёшдаги ўсмирларнинг мазкур мавзуга қизиқиши, айниқса кучли.

Умуман, ижтимоий сўров жамоатчилик фикрида оила ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатди. Бахтили оилани таърифлашда ахлоқий ва моддий омилларнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий қадриятлар орасида эса фарзандларни маънавий етук қилиб тарбиялашга устувор аҳамият берилмоқда. Кўпчилик ўз оилаларидағи муносабатларни яхши деб ҳисоблайди, бунинг бош сабабини ўзаро хурмат ва сабр-қаноатда деб билади. Энг муҳими, демократлаштириш ижтимоий жараён сифатида оилада ҳам мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Сўралганларнинг кўпчилиги оилавий ҳаётга оид муҳим масалалари бўйича қарор болаларни биргаликда тарбиялаши лозим бўлган ҳам ота, ҳам она томонидан қабул қилиниши керак деган фикрда. Ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларидан қўранадики, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини оила институти тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Оила фуқаролик жамиятининг таянч тузилмаларидан бири, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бу муқаддас маскандаги нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбияланади, шаклланади ҳамда камол топади. Унинг шахс ўзлигини намоён этишидаги аҳамияти бениҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик ва болалик хуқуқини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида эътиборга молик чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ижтимоий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

**биринчидан**, хуқуқий механизmlар, масалан, ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оиланинг қўллаб-куvvatлашига муҳтож. Негаки у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган қўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради;

**иккинчидан**, мамлакатни ислоҳ қилишнинг ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оиласида норасмий баҳолаш, оиласиб бирдамлик, шунингдек, ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва, айниқса, ёшлар ахлоқини барқарорлаштиради: иккинчи томондан, ислоҳотларнинг хуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизmlарини самаралироқ йўлга қўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви етакчилар ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади.

**учинчидан**, давлат янги шароитларга ижтимоий-иқтисодий ва руҳий мослашишга қаратилган қонунлар, давлат бошлиғининг фармонлари, хукumat қарорлари орқали оиласида ҳаётини мухим манфаатларига бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб бориши ижтимоий кескинлик нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий портлашларнинг олдини олишини таъминлади.

Фуқаролик жамиятининг интеллектуал, ақлий салоҳиятини таъминлаш ва муттасил юксалтириб бориша мактабнинг аҳамияти бекиёсdir. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида **ҳар ким билим олиш хуқуқига эга**, деб таъкидланган. Билим олиш хуқуқи шахснинг асосий хуқуқларидан биридир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Конунга, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ мамлакатда кўп босқичли узлиksиз таълим тизими вужудга келтирилган. Мамлакатда таълим ва тарбия инсонпарвар ва демократик хусусиятга эга.

Ҳар бир шахсга жинси, тили, ёши, ирқий ҳамда миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи Ўзбекистон Республикаси худудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, билим олишда тенг хуқуқлар кафолатланади (Конуннинг 4-моддаси).

Демократик жамиятда **оммавий ахборот воситалари** ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситалари, журналистлар давлат ҳокимияти идоралари билан ҳалқ оммаси ўртасида алоқа боғловчи асосий бўғин сифатида майдонга чиқади. Жамият аъзоларини кундалик ижтимоий-сиёсий, хуқуқий ҳаёт воқеликларидан тезкор, мунтазам ҳамда рўйи рост хабардор килиб туриш уларнинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда ислоҳотлар орқали фуқаролик жамияти таркиби тузилмалари шаклланадиган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини белгилаш жуда долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «**Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни**

**шакллантиришда... оммавий ахборот воситаларига мухим ўрин берилади»<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди.**

**Оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида баён этилган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндинг ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.**

**Цензурага йўл қўйилмайди».**

Мазкур қоиданинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги, **биринчидан**, фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда, радио ва телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишлирда ифодалаш хуқуқини кафолатласа; **иккинчидан**, оммавий ахборот воситаларининг беназир аҳамиятига берилган юксак эътибордир. Ушбу конституциявий битикда учта мухим принцип: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, улар фаолиятида қонуннинг устунлиги ҳамда цензура қилишга йўл қўйилмаслиги ўз ифодасини топган. Айни вақтда, ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари томонидан эҳтиросга берилиш оқибатида ноўрин ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдир.

Белгиланган конституциявий мезон асосида барча зарурӣ чора-тадбирларни амалга ошириш орқали оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятининг мустақил ва самарали институтига айлантириш лозим. Албатта, бунинг учун, аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш зарур бўлади. Табиийки, республикамиздаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдига мутлоқо янги бўлган вазифаларни қўймоқда. «Бугунги қунда», - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чукур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти»<sup>2</sup>.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1996 йил 30 августда «**Ноширлик фаолияти тўғрисида**»ги 1997 йил 24 апрелда «**Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида**» ҳамда «**Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 1997 йил 25 декабря эса «**Оммавий ахборот воситалари тўғрисида**»ги қонунлар қабул қилинди<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига кенг кўламда ёрдам бериш, матбуот ва ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик мухитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда ноширлик фаолиятининг эркинлиги қонун билан кафолатланган. Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик йўналишларини, мавзуларини, ихтинослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 176-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 176-177-бетлар

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 йил 1,4,5,9-сонлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари доирасида мустақилдир.

Мустақиллик, эркинлик зарурият ҳамда масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқдир. Матбаа маҳсулотида мавжуд конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб қилиш, аҳоли орасига диний ва миллий нифоқ солиш, инсон ҳукуклари, шаъни ва қадр-қимматини камситиш, тухмат қилиш ман этилади. Шунингдек, ноширлик фаолиятида монополияга ҳамда ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид мақсадларда фойдаланишга йўл кўйилмайди.

Фуқароларнинг сўз, матбуот ва ижод эркинлигини таъминлашда муаллифлик ҳукуқининг қонун муҳофазасига олинганлиги муҳим қадам бўлиб хизмат қиласи. Муаллифлик ҳукуки интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган, унга соҳиблик мазмунидан келиб чиқадиган ҳукуқдир. Қонунга мувофиқ, адабий, драматик (сценарий), мусика, мусиқали-драматик, хореография, аудиовизуал (кино, теле ва видеофильмлар), телерадиоасарлар, шунингдек, тасвирий санъат, архитектура, фотография ва бошқа асарлар муаллифлик ҳукуқининг обьектлари саналади. Асарлар ёзма, оғзаки шаклда ва уни идрок этиш имконини берадиган бошқа обьектив шаклда ифодаланиши мумкин. «**Муаллифлик ҳукуки ва бошқа турдош ҳукуклар тўғрисида**»ги қонуннинг 10-моддасига биноан, «асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргалиқдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳукуки ҳамммуалифларга биргаликда тегишли бўлади».

Муаллифлик ҳукуқини бузганик, асардан ноконуний фойдаланганлик учун юридик жавобгарлик қўлланилади. Муаллифлик ҳукуқининг эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар муаллифлик ҳукуки эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаши шарт. Муаллифлик ҳукуқи эгаси қоидабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлиги оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли (Қонуннинг 46-моддаси). Ихтиёрий келишувга эришилмаган тақдирда, низоли вазият суд орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳукуки мустаҳкамланган. Мазкур ҳукуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида 2002 йил 13 июлида «**Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни тақомиллаштириш тўғрисида**» фармон қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди<sup>1</sup>.

### **Фуқаролар мурожаати – фуқаролик жамияти манфаати.**

Фуқароларнинг ариза ва шикоят кўринишидаги мурожаатларига жамоатчилик назоратининг бир кўриниши ҳамда жамоатнинг субъекти фуқаролардир, деган нуктаи назардан ёндошилса, «**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги Қонуннинг (2002 йил 13 декабрь) янги таҳририда мурожаат этиш ҳукуки кафолатларининг белгиланиши, энг аввало, қонун устуворлигини таъминлашда, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлашда, фуқароларни қонун меъёрларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашда катта амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Бу қонун фуқароларнинг ариза ва шикоятлар билан мурожаатларининг ҳукукий кафолатларини, **биринчидан**, фуқаролар ҳукуқининг реал даражада таъминланишига хизмат

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002, 172-209-бетлар.

қилади. **Иккинчидан**, уларнинг ҳуқукий тартибга солинганлиги тегишли давлат органларига мажбуриятлар юклайди ва уларнинг масъулиятини оширади. **Учинчидан**, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини изчиллаштиради, адолатли фуқаролик жамиятида фуқароларнинг мурожаатларига тегишли ҳуқукий механизмларни кафолатларга мослаб шакллантиради, процессуал ҳаракатларнинг қатъий қонун талаблари асосида бажарилишини таъминлайди.

Қонуннинг 10-14 моддаларида фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқукини амалда ҳаққоний ижобат бўлишини таъминлайдиган ва мурожаатларга боғлиқ ҳаракат ва жараёнларга тўла-тўқис ҳуқукий табиат бахш этадиган кафолатлар белгиланган.

Жумладан, бу кафолатларнинг *биринчиси ихтиёрийлик* бўлиб, ҳар бир фуқаро мустақил, ташқи таъсирсиз, бошқа шахсларнинг қистовисиз, ўз ички эътиқоди ва ҳуқукий онига асосланиб мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланади. Фуқаро мурожаат ёзишга, бошқа шахс (шахслар) томонидан ёзилган мурожаатга қўшилишига (уни қўллаб-кувватлашга) ва мурожаат муаллифи номидан вакил бўлишга мажбур этилиши мумкин эмас.

Шу боис табиий савол туғилади, яъни фуқарони мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф) ёзишга ундан ёки айрим ҳолларда, мажбур қилган ҳолатларнинг юзага келиши уни мурожаат қилишга мажбур этиш, деб баҳоланиши керак эмасми? Бу ерда гап фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳлдор бўлиб, унинг фикрига зид келиб қолган ва унда норозилик ҳамда эътироуз уйғотган тегишли давлат органи мансабдор шахсининг қарори (ҳаракати) ёки бошқа ҳолатлар тўғрисида бормоқда. Агар фуқаро мазкур давлат органининг қарорида ўз ҳуқуқ ёки манфаатларига зид ҳолатлар бор ёки улар бузилган деб ҳисобласа, у бузилган ҳуқукини тиклаш ёки уни ҳимоя қилишни сўраб ариза ёхуд шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, юқорида қўйилган саволга жавоб тариқасида айтиш жоизки, фуқарони мурожаат ёзишга мажбур қилган ёки ундан ҳолатларнинг вужудга келиши, яъни давлат органи (mansabдор шахси)нинг қарори (ҳаракати) уни мурожаат беришга мажбур этиш деб ҳисобланмайди. Сабаби, фуқарони мурожаат қилишга мажбур этган ёки ундан ҳолатлар уни мурожаат бериши учун туртки бўлиб хизмат қилади. Фуқаро мурожаат бериш учун асос бор деб ҳисобласагина, у мурожаат бериш ёки бермаслик масаласини шахсан ўзи ихтиёрий равишда ҳал этади.

**Иккинчи кафолат: камситмаслик.** Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқукининг кафолатлари ичida шу ҳуқуқни амалга ошираётганларида уларни камситишнинг тақиқланиши кафолати ўз ўрнига эга. Қонуннинг 11-моддасига кўра, мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишда камситишга йўл қўймаслик деганда, давлат орган (mansabдор шахс)лари мурожаат қилувчи (мурожаат қилувчилар)нинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеини рўйкач қилиб, уларнинг мурожаатини қабул қилиш, кўриб чиқиш ёки қарор чиқаришни пайсалга солиш, рад этиш, тўхтатиб қўйиш, сансалорлик қилиш ва бошқа қонунга зид ҳаракатларни содир этиши тушунилиши керак.

Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўймаслиги кафолати бир томондан, уларнинг шу соҳадаги ҳуқукининг сўзсиз амалга оширишини амалда таъминласа, иккинчи томондан, мурожаатларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига ҳуқукий масъулият юклайди.

Камситмаслик кафолати тўғрисида гапирилганда, амалий ҳаётда учраши мумкин бўлган муаммо-мурожаат этувчининг тили масаласи қўнгдаланг бўлиши мумкин. Маълумки, Қонун мурожаатни баён қилиш (бериш) тили тўғрисидаги масалани очиқ қолдирган. Учинчи томондан, мурожаат этувчининг тилини рўйкач қилиб мурожаатни қабул қилмаслик, кўриб чиқмаслик ва қарор чиқармалик, фуқаронинг тегишли ҳуқукини камситиш деб ҳисобланади. Демак, ҳар ким ўз она тилида мурожаат ёзиши (қилиши) мумкин. Бундан ташқари, Қонунда мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида фуқаро иштирок этар экан уни таржимон билан таъминлаш масаласи тўғрисида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Бироқ, Қонун 19-моддасининг 2-

қисмида мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт деб кўрсатилганилиги, бизнингча, фуқаро, унга дахлдор хужжатлар тилини тушунмаса, улар таржима қилиб берилиши лозим эканлигидан далолат беради.

Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибга кўра фуқароларнинг мурожаат қилиш хукуқидан фойдаланишида, уларни камситишнинг тақиқланиши кафолати талабларининг бузилиши давлат мансабдор шахсларининг юридик жавобгарликка тортиш масаласини келтириб чиқарди.

Учинчи кафолат: **мажбурийлик**. Фуқароларнинг мурожаат этиш хукуқини рўёбга чиқаришда мурожаатларни давлат органи томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги кафолати ҳам мухим роль ўйнайди.

Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва ўрганилиши керак. Ушбу қоидада ҳар қандай мурожаатни кўриб чиқиш мажбурийлиги тўғрисида эмас, балки қонун талабларига мос равишда битилган (баён этилган) мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги тўғрисида гап бормоқда.

Демак, фуқаронинг мурожаати мажбуран қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши учун у Қонун 6-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинган, яъни унда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имко қўйилган ёзма мурожаат бўлиши лозим.

Қонуннинг 8-моддасига биноан мурожаат билан келган фуқарони тегишли давлат органи (mansabдор шахси) қабул қилиши керак. Лекин мурожаат қилувчи фуқарони шахсан қабул қилишни истисно қилувчи холатлар ҳам мавжуд. Агар фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга хилоф деб топилган ёки унинг мурожаати бўйича олдин қарор қабул қилинган бўлса, унинг мурожаатини қабул қилмаслик эҳтимоли бор.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги кафолатини мурожаат этувчи ўз фойдасига бир томонлама талқин қилиб, мурожаатда қўйилган талаблар ёки муаммолар албатта унинг фойдасига ҳал бўлади, деб ўта ишончга эга бўлмаслиги даркор. Зоро, фуқаронинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги унда кўтарилиган масалалар ҳар доим ҳам фуқаронинг фойдасига ижобий ҳал қиласверишини англатмайди.

Фуқаронинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги тегишли давлат органи томонидан қўйидаги ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади: келиб тушган мурожаат рўйхатга олинади ва ҳисоб ва рақаси очилади, сўнgra уни кўриб чиқиш масаласи ҳал этилади. Ва ниҳоят, кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат қилувчига хабар қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш мажбурийлиги кафолатининг мазмун ва моҳияти жуда чуқур ва кенг бўлиб, у Конституцияда акс эттирилган шахс, жамият ва давлат муносабаларида давлатнинг шахс ва жамият олдидаги масъуллигига бориб тақалади.

Тўртинчи кафолат: **маълумотларни ошкор этмаслик**. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида уларнинг шахси, шахсий ҳаётига доир барча хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган маълумотларнинг давлат органлари ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Қонун мурожаат этувчининг том маънода эркин, ташқи таъсирлардан холи бўлишини таъминлаш, давлат органлари ходимлари ёки мурожаатда тилга олинган идора, мансабдор шахс ёки бошқа фуқаролар томонидан унга тазиик ўтказилишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни ошкор этилишига йўл қўймаслик каофлатини белгилаган.

Ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи қисми талабларига кўра, фуқароларнинг, шахсий ҳаётига доир, шунингдек, уларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини камситадиган бошқа маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор

етилишига йўл қўйилмайди. Ушбу кафолат шахс, жамият ва давлат муносабатларида шахснинг дахлсизлиги ва ҳимояси таъминланиши каби конституциявий кафолатнинг таркибий қисмидир.

Шу сабабдан, маълумотлар мурожаат қилувчининг оилавий муносабатларига, шахсий ҳаётига, кундалик турмушига раҳна солиши, уни издан чиқариши ва бошқа нохуш оқибатларга олиб келишини ҳисобга олиниши зарур.

Мурожаатга боғлиқ маълумотларнинг ошкор бўлиб кетмаслигини олдини олиш, мурожаатни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органи раҳбариятига юклатиладиган мажбурияттир. Раҳбарият мурожаатга тааллуқли барча кафолатларни, шу жумладан, маълумотларни ошкор этмаслик тўғрисидаги талабларнинг бажаралишини ўз вақтида таъминлаши шарт.

Қонун 13-моддасининг иккинчи қисмида мурожаатга тааллуқли бўлмаган, фуқаронинг шахсига доир маълумотларни суриштириб билишга йўл қўймаслиги белгиланган. Бу қоида ҳам фуқаро мурожаат қилганда унинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, фуқаро меҳнат қилиш хукуқини бузилишига олиб келган қарор устидан шикоят қилганда, унинг бутун умрлик меҳнат фаолиятини суриштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан уларнинг шахси, ҳаётига доир, шунингдек, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини камситадиган маълумотларни ошкор этиш, агар мурожаат қилувчи учун нохуш оқибатларни вужудга келтирган ходимларини юридик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олади.

*Бешинчи кафолат: хавфсизлик.* Қонуннинг 15-моддасига биноан фуқароларнинг мурожаат этиши муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатланади. Фуқароларнинг хавфсизлиги кафолатлари фақатгина мурожаат қилган фуқаронинг ўзига эмас, балки унинг оила аъзоларига нисбатан ҳам тааллуқли бўлади. Қонун ўз хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига мурожаат этган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини таъқиб қилишни ман этади. Демак, фуқаролар мурожаат қилганида ҳеч нарсадан ҳайикмасликлари, қандайдир нохуш оқибатлар келиб чиқишини ўйламасликлари лозим. Агар айрим нопок мансабдорлар мурожаат қилган фуқарони таъқиб қилиш ҳоллари учраб қолса, бундай ҳолда тегишли хукукий таъсир чораси қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар мурожаат этиш хукуқларининг «**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ти Қонунда белгиланган кафолатлари мақсад – моҳияти билан фуқаро давлат ўртасида мустаҳкам адолатли муносабатлар ўрнатишга, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликлари ҳақиқатда реал бўлишига хизмат қиласди. Фуқаролар мурожаатларининг хукукий кафолатлари унинг фуқаролик жамияти манфаати учун хизмат қилишига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

*Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва давлат ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига, нодавлат нотижорат ҳамда жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органларига босқичма-босқич ўтказиши масалалари.*

Юртбошимиз нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳоли фаоллигини кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишда уларнинг роли бекиёслигини кўрсатиб берган.

«Нодавлат ва жамоат ташкилотлари» кўп қиррали тушунча бўлиб, демократик жараёнларни ривожлантиришнинг асосий институтларини ташкил қиласди.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари турли манфаатларга эга бўлган кишиларни ўз атрофига уюштириш, уларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Аҳолини уюштириш эса, жамиятда барқарорликни таъминлаш ва юксак тараққиётга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг

давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаолияти орқали амалга оширилади. Фуқаролик жамияти асосларини чукурлаштиришда уларнинг ўзига хос ўрни ва роли ҳақида гапирганда, қуидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади:

-биринчидан, улар сиёсий мақсадларни, яна ҳам аникроғи, ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилиб қўймайди, балки ахолининг турмуш шароитини яхшилаш, соғлигини тиклаш, маданий савиясини кўтаришда ҳокимият билан ҳамкорлик қиласди. Бу уларнинг ҳокимият хоҳишига мувофиқ фаолият кўрсатишини билдирамайди, балки юқоридаги масалаларни ҳал этишда ҳокимият амалга ошириши зарур бўлган кўпгина вазифаларни ўз зиммасига олади. Шу тариқа, жамият ҳаётида турли кутилмаган ижтимоий муаммолар юзага келишининг оддини олиш имкониятини ҳам беради;

-иккинчидан, улар ўз олдига сиёсий мақсадларни қўймагани учун ҳам ҳокимиятни, сиёсий партияларга қараганда ўзига яқин ҳамкор сифатида қабул қиласди ва ана шу боисдан уларнинг бошқарув тизимида, меҳнат жамоаларидаги ёхуд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги мустақил фаолиятини ҳокимият идоралари қўллаб-кувватлайди.

-учинчидан, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳоли ўртасида амалга ошириладиган фаолияти ҳокимиятни заифлаштиришга олиб келмайди, балки ҳокимият бир қатор функцияларини уларга ўтказиш йўли билан оммага яқинлашади ва улар зиммасига нафакат муайян ваколатларни беради, шунингдек, демократик жараёнларни янада чукурлаштириш ҳамда жамиятни тараққий эттириш борасида масъулият ҳам юклайди;

-тўртинчидан, гарчанд нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилмаса ҳам, улар ахолининг моддий фаровонлигини ошириш, маънавий савиясини кўтариш учун қилинадиган саъй-харакатларда, кишиларни уюштириш ва фаоллаштириш, сиёсий онгининг ўсиб боришида фаол иштирок этади. Бу, ўз навбатида, демократик жараёнлар ривожига ижобий таъсир ўтказади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари худди ана шу хусусиятлари билан бир тамондан, кучли давлатнинг шаклланишида етакчи роль ўйнаса, иккинчи томондан, давлатнинг кўпгина функцияларини ўз зиммасига олиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнининг вужудга келишида, янада аникроғи, кучли фуқаролик жамиятининг шаклланишида бекиёс аҳамият касб этади.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти»га ўтишнинг асосий мезони ҳам ҳокимиятнинг жамият тараққиётида оммага суюниши, ишончига эга бўлиши ва у билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳисобланади. Президентимиз мамлакатимизда «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти»га ўтиш вазифасини кун тартибига қўйганида, албатта, аввало давлатнинг жамият ҳаётига ижобий таъсири пасайишини эмас, балки унинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини, аҳоли билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, кўпгина функцияларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиб бориш орқали таъминлашни назарда тутади.

Шуни унутмаслик лозимки, кучли давлат тамойили ҳақида гап кетганда, унинг кимгадир зўравонлик билан таъсир ўтказиш имконияти назарда тутилмайди, балки давлатнинг юксак иқтисодий асосга эга бўлиши, мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро миқёсда ўз манфаатларини ҳимоя қила билиш, барқарор тараққиёт тизимиға кириб бориш ҳамда демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини шакллантира олиш салоҳияти тушунилади. Яъни, ахолининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок қилиш имкониятининг вужудга келиши кучли жамият мезони ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг моҳият ва мазмунини ҳам ҳалқ томонидан бошқариладиган шароит ва унинг реалликка айланиши ташкил қиласди, “Кучли жамият кучли давлат” негизида шаклланади ва ҳукumatнинг мамлакат ичкарисидаги кўпгина фаолияти чекланиб, у фуқароларнинг қўлига ўтади ва уларнинг давлат фаолиятини назорат қилиши тўлиқ таъминланади. Уни эволюцион тарзда амалга оширишни Президентимиз қуидагича ифода этган: “Кучли давлатдан - кучли жамият сарий” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат

тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади».<sup>1</sup> Президентимизнинг масалани бундай жиддий қўйиши бир қатор сабаблар билан боғлиқ. Биринчидан, Мустақиллик йилларида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг сони ўсиб, улар фаоллашиб бораётган бўлса-да, бу кўрсаткичлар ижтимоий-сиёсий соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар талабидан орқада қолмоқда. Боз устига омманинг турмуш даражасини кўтариш ва сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ўстириш борасида уларнинг ўзида ташаббускорлик етишмаётир. Иккинчидан, давлат тузилмаларининг бошқарувчилик фаолиятида собиқ шўролар тузуми шароитидаги маъмурий-буйруқбозлик иш усули, хўжалик юритиш субъектларининг ички бошқарув жараёнларига асосиз равища аралашуви сақланиб қолмоқда. Албатта, уларнинг фаолияти босқичма-босқич чекланмас экан, бу, ўз навбатида, демократик жараёнлар ривожланишига салбий таъсир ўтказади.

Шу билан бирга бу жараённинг ривожланишида бўлса, давлатимизнинг роли ва мавқеи тушиб кетмайдими ёки давлат бундай шароитда қайси соҳаларда фаолият кўрсатиши лозим бўлади, деган саволларга ҳам Президентимиз аниқ жавоб бердилар: «...давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда ҳусусий фаолиятга аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади? Бу масалада давлатнинг роли аввало иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинадиган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор».<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, давлат ишлаб чиқариш, бошқариш, ташкил қилиш, раҳбарлик каби масалаларга бехуда аралашмаслиги лозим бўлади Чунки, бундай аралашиш, бир томондан, омманинг ташаббускорлигига салбий таъсир ўтказади ва ишлаб чиқариш жараёнларида рақобат муҳитининг вужудга келишига ҳам имкон бермайди; иккинчидан, демократик жараёнлар ривожи ҳам кутилаётган самарани бермайди. Чунки, демократия халқ ҳокимияти, унинг ташаббускорлиги, жамият ҳаётининг барча соҳаларини бошқаришдаги фаолиятининг қай даражада ривожланганига боғлиқ, бўлади. Шу мъянода, давлат бошқарувидан фуқаролик бошқарувига ўтишнинг муҳим шарти — давлат тузилмалари ўз функцияларининг айримларини амалда халқ қўлига ўтказиб борища ҳам давлат ташаббус кўрсатиши зарур бўлади. Шунинг билан бир қаторда, фуқаролик жамияти шароитида ҳам давлатнинг мавжуд бўлиши ва унинг бир қатор функцияларининг сақлаб қолинишини назарда тутадиган бўлсак, у ўзининг нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаб бориши тақозо этилади.

Президентимиз таъкидлаганлариdek, давлатнинг роли, айниқса, мамлакат тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларни белгилаш, қонунларнинг барқарор ишлашини таъминлашда сақланиб қолади. Бундай функциялар сақлаб қолинишининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

-биринчидан, давлат фақат жамиятдаги айрим ижтимоий гурухлар манфаатини эмас, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифода этади. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари эса аҳолининг бир қисми ёки айрим табақалари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб олади. Бу, бир томондан, ижтимоий табақалар манфаатлари ўртасида тафовутлар юзага келишига олиб келади, айни пайтда моддий бойликларнинг тақсимланишида ҳам нотекисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Чунки, мамлакат худудлари, ер ости захиралари, қишлоқ ва умуман, бутун халқ хўжалигини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дуне билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 27-бет.

<sup>1</sup> Ўша жойда, 28-бет.

ривожлантириш имкониятлари бўйича турли-туман бўлади. Маълум бир ҳудудларда ана шундай имкониятлар кам ёки деярли бўлмаслиги мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, имконияти кам ҳудудлар аҳолисини ўз ҳолига ташлаб қўйиш охир-оқибатда уларнинг қашшоқлашиб кетишига олиб келади. Давлат эса бундай ҳолатнинг юзага келмаслиги учун мамлакатнинг барча ҳудудларида аҳоли турмуш фаровонлигини баркарор ривожлантиришда зарур бўлган иқтисодий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш йўналишларини белгилаб беради. Яъни, нодавлат ва жамоат ташкилотларида манфаатлар меъёрларида хусусийлик устувор бўлса, давлат фаолиятида умумийлик стратегик йўналиш ҳисобланади;

-иккинчидан, давлатнинг қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ҳам аҳоли табақалари ва улар манфаатларининг турли-туманлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолатда барча ҳудудлар аҳолисининг турли табақалари турмуш даржасини бир хилда таъминлаш вазифасини давлатдан бошқа биронта институт бажара олмайди. Мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши ва демократик жараёнларнинг ривожланиш шароитида келтирилган ҳар иккала ҳолат ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлади. Аммо, давлатнинг ана шу жараёнлардаги ўз ролини сақлаб қолиши нодавлат ва жамоат ташкилотлари аҳолининг ўзини ўзи бошқаришга босқичма-босқич ўтишига халақит бермайди, аксинча, зарур шартшароит яратади.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳақида фикр юритганимизда, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти асосларини яратишдаги роли ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, сиёсий партиялар ҳам жамиятнинг муҳим бўлгаги ҳисобланади.

Сиёсий партиялар бошқа нодавлат ва жамоат ташкилотларидан тубдан фарқ қилиб, ўз олдига сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишни мақсад қилиб олади. Аммо, улар давлатга муқобил куч эмас, балки унинг баркарор ишлашига ўз таъсирини ўтказишга қодир бўлган сиёсий куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар демократик ўзгаришларни янада чукурлаштиришда катта роль йўнайди.

Мамлакатимизда мавжуд сиёсий партияларнинг фаолияти демократик жараёнларни ривожлантириш талабларидан орқада қолаётгани Президентимиз томонидан бот-бот таъкидлаб келинмоқда.

Юртбошимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» ҳамда «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» асарларида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим шарти — кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг механизмлари бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини янги босқичга кўтариш бугунги кунимиздаги долзарб вазифа экани илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Президентимизнинг «Адолат – қонун устуворлигига» деган хаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшаш ғояси ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Хўш, нима учун Президентимиз бу тамойилнинг аҳамиятига асосий эътиборни қаратди? Бунинг асосий сабаби шундаки, қонун устуворлиги, биринчидан, мамлакатдаги барча аҳолининг, миллати, тили, ирки, диний эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва бошқа бир қатор белги-хусусиятларидан қатъи назар, барча фуқаролар тенглигини таъминлайди, уларнинг ҳукуқлари поймол этилишига йўл қўймайди; иккинчидан, қонун ҳалқ ҳоҳиш-иродаси ва манфаатига мувофиқ қабул қилинади, шунинг учун ҳам унга итоат қилиш, унинг устуворлигини эътироф этиш шу мамлакатда яшайдиган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши ёки поймол этилиши мамлакатдаги баркарорликнинг бузилишига, турли ижтимоий табақалар, сиёсий кучлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай бекарорликдан эса фуқаролар манфаатдор эмас. Шунинг учун ҳам, қонун устуворлигини таъминлашда, биринчи навбатда, уларнинг манфаатларини юзага чиқариш

назарда тутилади. Ўз навбатида, давлат ҳам аҳолисининг тинчлиги, жамият барқарорлигини ҳимоя қилишда, ўзига юклатилган масъулиятдан келиб чиқсан ҳолда, қонунларнинг поймол этилиши ёки бузилишининг олдини олиш имкониятларини ишга солади. Яна ҳам аникроғи, борди-ю айрим сиёсий кучлар ёки ижтимоий гурухлар ғайриқонуний ҳаракатларга йўл қўядиган бўлса, давлат мамлакат аҳолисининг умумманфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, ўз кучидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида, тараққиётга салбий таъсир қилувчи жараёнларининг олдини олиш имкониятини беради.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, қонун устуворлигини таъминлаш нафақат иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг самарали боришини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва тинчлигини таъминлаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиш ва фуқаролик жамиятига ўтишнинг асосларни ишлаб чиқиш имконини ҳам беради. Қонун устуворлигига эришишнинг яна бир муҳим томони шундаки, у фуқароларнинг жамиятда яратилган барча моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланишига, яъни ижтимоий адолат тамойилларининг амал қилишига имкон яратади.

Президентимиз асарларида қонун устуворлигини таъминлаш ғояси ҳар томонлама кенг ёритилишининг сабаби, мустақиллик йилларида бу йўналишда катта ютуқлар қўлга киритилишига қарамасдан, ривожланишнинг ҳали олдимиизда қўлами жиҳатдан янада улкан вазифалар турганини кўрсатиб бериш эди. Қонун устуворлигини таъминлаш юзаки қарайдиган енгил вазифа эмас. Бу вазифа илк бор мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантиришнинг «ўзбек модели»даги асосий тамойиллардан бири сифатида Президентимиз томонидан асослаб берилган эди. Қонун устуворлиги нафақат осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, балки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш, фуқаролар имкониятларини юзага чиқаришнинг мезони ҳам ҳисобланади. *Жамият қонунлар негизида бошқарилиши ва фуқароларнинг қонунлар билан яшашининг барча учун ягона қоидага айланиши фуқаролик жамиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади*. Уни амалга ошириш эса нафақат давлат тузилмаларига, балки фуқароларнинг ўzlарига ҳам боғлиқдир. Чunksi, ҳокимият жамиятда демократик жараёнларни ривожлантиришга қанчалик имконият яратмасин, ҳалқ ана шу имкониятдан фойдалана олмаса, фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ижобий самарага эришиш қийин бўлади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш, уларнинг умумий маънавий савиясини кўтариш қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу вазифа амалга ошувишининг натижаси эса уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши юзасидан бошқарув органларига эмас, балки айнан суд ҳокимиятига мурожаат қилиши ва шу тарика ўзига нисбатан адолатни тиклаш кўнукмасига эга бўлишида намоён бўлади. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун фуқаролар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий билимларни тарғиб қилишни янги босқичга кўтаришимиз зарур бўлади. Мамлакатимиз Президенти бу билимларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини қўйидагича белгилайди:

“Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларида яна бири қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга изчил жорий қилишда давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳисобланади”.<sup>1</sup> Бундай жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши, бир томондан, давлатнинг ижрочилик фаолиятини кучайтиrsa, иккинчи томондан, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлайди.

Баъзида давлат тузилмаларида реал имкониятларни ҳисобга олмасдан кўрсатмалар бериш ва самарасидан қатъи назар, уларнинг бажарилишини қатъий талаб қилиш ёки жамоат ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмасдан қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда тарғибот воситаларидан эмас, кучдан фойдаланишга мойиллик ҳолатларининг ҳанузгача сақланиб қолаётгани кўзга ташланмоқда. Бундай салбий

<sup>1</sup> Ўша жойда, 28-бет.

ҳолатлар тугатилмас экан, улар фуқароларнинг ташаббускорлиги сўниб боришига, демократик жараёнлар ривожига акс таъсир ўтказиши мумкин.

Президентимизнинг бу масалага жиддий эътибор билан караётганининг амалий аҳамияти шундаки, бугунги кунда айрим давлат идораларининг ўз функцияларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш орқали маълум тузилмаларни қисқартириб бориш ўрнига, аксинча, уларнинг номини ўзгартирган ҳолда янгиларини тузиш йўлидан бораётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Бу охир-оқибатда нафақат демократик жараёнлар ривожига, балки иқтисодиётга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалишига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказади.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги бош вазифа фуқароларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигига эришиш бўлгани боис ҳам, давлат тузилмаларининг назоратчилик функцияларини қисқартиришга эришиш билан бирга, уларнинг умумий стратегик вазифалар ишлаб чиқишдаги етакчилик ролини ошириб бориш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш вазифасини амалга ошириш лозим бўлади. Давлатимиз раҳбари бу вазифа устидаги тўхталиб, «Биз учун жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»,<sup>1</sup> деб кўрсатди.

Фуқароларнинг давлат фаолияти устидан назорат олиб бориш функцияси бугунги талаб ва эҳтиёжлардан орқада қолмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат билан жамоатчиликнинг умумманфаатлар йўлида ҳамкорлик қилиш тамойилининг амалга ошувига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Бу эса фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнига салбий таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳозирги босқичда жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини муҳим вазифа сифатида белгилаб берди. Бу вазифани амалга оширишнинг биринчи йўналишини давлат тузилмалари билан жамоатчилик ҳамкорлигини реал тарзда, том маънода амалга ошириш ташкил этади. Бунинг моҳияти шундаки, давлат аҳамиятига молик бўлган сирлардан ташқари, унинг барча фаолияти жамоатчилик учун очиқ бўлишига эришиш лозим. Бу жамоатчиликнинг давлатга яқинлашиши, унга таяниши ва у билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал қилишига имкон беради. Жамоатчиликнинг ўзини фаоллаштириш Президентимиз белгилаб берган вазифани амалга оширишнинг иккинчи йўналишини ташкил қиласди. Унинг асосий механизми эса яна нодавлат ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар билан яқин ишлашга, уларнинг ишончини қозонишга ва уларга эргашишга бориб тақалаверади. Демак, бугунги кунда нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг давлат фаолияти устидан назоратини ўрнатишдаги имкониятларидан фойдаланишни ҳам янги босқичга кўтариш лозим бўлади. Президентимизнинг асарларида белгилаб берилган фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг яна бир вазифаси ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдир.

Аслини олганда, бу ғоя Президентимиз томонидан биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маъruzасида қуйидагича илмий асослаб берилган эди: «Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкид-лашини истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириши ўйли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди.

Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократлаштириши натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз».

Ҳозирги вақтда ўтган давр ичидаги эришган муваффақиятлар билан бир қаторда ҳали олдимиизда турган вазифалар кўлами ҳам катта. «Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимияти-нинг қути тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>1</sup> Ўша жойда, 28-29-бетлар.

бошқариш органла-рига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Аслини олганда, биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини худудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва ҳаражатлар билан боғлиқ каттагина қисми худудлар томонидан назорат қилин-мөқда. Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар худудий ҳокимият тузилмаларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул-услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур».<sup>1</sup>

Президентимиз томонидан бешинчи устувор йўналишда белгилаб берилаётган бу вазифа икки муҳим йўналишда амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Биринчидан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият қуи бўғинлари ролини ошириш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув функциясини кенгайтириб боришни янги босқичга кўтариш; иккинчидан, иқтисодий соҳада эркинлаштиришни чуқурлаштириш маҳаллий ҳокимиятнинг бюджетлар даромадлари ва ҳаражатларини тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнидаги ролини ошириш зарурлигини кўрсатиб берди. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳам фуқаролар, айниқса, уларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ишини фаоллаштириш зарур бўлади. Бу жараёндаги асосий масала эркинлашти-ришни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ишини фаоллаштириш зарур бўлади. Бу жараёндаги асосий масала эркинлаштиришни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув идораларига ҳокимиятнинг юқори органлар томонидан бериладиган имкониятлардан қай даражада фойдалана олишига боғлиқлигидан иборат. Чунки, ҳокимият қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар асосида қуи ҳокимият тармоқларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказилса ҳам, уларнинг бунга салоҳияти етмайдиган бўлса, берилган имкониятлар қоғозда қолиб кетаверади. Унинг реалликка айланиши учун маҳаллий ҳокимият тармоқларида фаолият кўрса-тадиган кадрлар корпусининг маърифий салоҳиятини ривожлантириш, айниқса, улар онгида демократик қадриятларни шакллантириб бориш, фуқаролар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатишга эришиш муҳим аҳамиятта эгadir.

Шунинг билан бир қаторда, биринчидан, давлат ҳокимияти бўғинларининг бошқарув жараёнидаги фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг юқоридан кўрсатмалар кутиб фаолият кўрсатишга мойиллигидан тезроқ кутулиш, иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ўрни ва нуфузи ошиб боришига эришиш, улар фаолиятига маҳаллий ҳокимият органларининг аралашувини чеклаш каби жуда катта вазифалар мавжуд.

Бу вазифаларни амалга оширишда, айниқса, аҳолининг ўзини ўзи бошқариш институтларидан бири бўлган маҳалланинг роли ошиб бориши учун имкониятлар яратиш катта аҳамиятта моликдир. Биринчи галда, унинг авлод-аждодларимиздан бизгача етиб келган қадриятларни ривожлантириш борасидаги вазифаси бекиёс аҳамиятга эга. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш институтининг энг мақбул воситаси сифатида, ҳокимият идоралари билан ҳамкорлик қилган ҳолда, ташаббускорлик кўрсатиши ва жамият ҳаётига таъсир ўтказишга қодир бўла оладиган институтга айланиши фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий шарти эканини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга жуда кўп ҳуқуқлар берилди, улардан фойдаланиш борастда маълум даражада ижобий силжишлар содир бўлди. Айниқса, улар нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқарола-рнинг моддий шароитларини яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш борасида самарали фаолият

<sup>1</sup> Ўша жойда, 28-30-бетлар.

кўрсатиб келмоқда. Аммо, уларда ўз атрофига одамларни уюштириб, жамият ва фуқаролар манфаатларини амалга оширишда мустақил фаолият кўрсатишдан кўра ҳокимият кўрсатмаларини бажарадиган тармоққа айланиб қолиш тамойили ҳам кўзга ташланмоқда. Зеро, демократик ривожланиш жараённида маҳалла институти ролининг ошиб бораётгани миллиатимиз менталитетига хос бўлган хусусият билан боғлиқдир. Халқимизнинг «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматни ўз қадриятига айлантиргани бежиз эмас. Яъни, халқимиз ўз турмушини ва ҳаёт мазмунини маҳалласиз тасаввур эта олмайди. Мана шу омил демократик жараёнлар ривожида маҳалла имкониятидан фойдаланиш заруратини кучайтироқда. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлиган тантанали маросимда 2002 йил 6 декабрда «Хаётимизнинг, тараққиёти-мизнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида сўзлаган нутқида 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиш таклифини киритди ва у халқимиз томонидан қўллаб-қувватлаган эди. Президентимиз таъкидлаганидек, «*Обод маҳалла деганда, халқимиз, миллиатимиз нафакат кўркам, чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қиласди. Шу нуқтаи назардан қараганде, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришига эҳтиёж ўйқ, деб ўйлайман.*

*Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовутириши, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашида, ўзини ўзи бошқариши тизимини жорий қилишида маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.*

Маҳалланинг ана шу имкониятларини яна ҳам кенгайтириб бориш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Президентимиз «бу масалада фуқаролик институтлари ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техника-вий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу, муносабат билан «Жамоат бирлашмаларида»ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга»<sup>1</sup> лиги бугунги кунимиздаги асосий вазифа эканини белгилаб берди.

Ана шу қонунларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ, бўлган муаммоларни хал этишнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топиши бугунги кунимиз учун амалий аҳамиятга эгадир. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш орқали кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнларини ривожлантириш;

2. Давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаб боришга эришиш;

3. Давлатнинг хўжалик юритувчи тузилмалар фаолиятига аралашу-вини чеклаш билан бир вақтда, унинг иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларини аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томондан сўзсиз бажарилишини таъмин-лаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур. Шунинг билан бирга, унинг ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишдаги ролининг ошиб боришига эришиш;

4. Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, «адолат - қонун устуворлигига» тамойилининг реалакка айланишини таъминлаш;

<sup>1</sup> Ўша жойда, 30-бет.

5. Давлатнинг назоратчилик фаолиятини чеклаш ва айни пайтда давлат фаолияти устидан жамотчилик назоратини таъминлашга эътиборни кучайтириш;

6. Бошқарув тизими ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлариға босқичма-босқич ўтказиб бориш;

7. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлган маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар фаоллигини изчиллик билан ривожлантириб борши, уларнинг ривожи учун зарур бўлган ташкилий-хукукий механизmlар, яъни тегишли қонунчилик асосларини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шартшароит-ларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш кабилардир.

Бу вазифаларни бугунги кунда амалга ошириш мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланишига имконият яратади ва фуқаровий жамият қуришимиз учун мустаҳкам замин тайёрлади.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, анъанавий давлат органлари томонидан бажариб келинган ижтимоий функцияларни босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият органлариға, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлариға ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлариға ўтказиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Зотан, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояси инсоннинг мақсад, орзуниятларини шу жамиятдаги тузилмалар, ижтимоий институт-лар, уюшмалар орқали амалга ошириш ҳисобланади. Фуқаролар ушбу ташкилотлар бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар. Демак, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайиб бориши ва жамоат бирлашмалари тизимининг такомиллашуви фуқаролик жамиятининг характерли хусусиятларидан биридир. Бунда қуйидаги ваколатларни тақсимлаш:

1. Давлат тасарруфида қоладиган ваколатлар:

- конституцион тизимни сақлаш;
- мустақиллик ва худудий яхлитликни ҳимоя қилиш;
- хуқуқ тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш;
- инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- мулк эгалари хукукини рўёбга чиқариш;
- иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш;
- самарали ташқи сиёsat олиб бориш;
- стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

2. Нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига ўтказиладиган ваколатлар:

- бозор ислоҳотларини амалга ошириш;
- тадбиркорликни ривожлантириб бориш;
- хусусий мулкни ривожлантириб бориш;
- истеъмол бозорини тўлдириш;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

3. Давлат ва жамоат органларининг вакиллик органлари томони-дан бошқариладиган ваколатлар:

- стратегик ривожлантириш дастурлари;
- иқтисодий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш;
- пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун хуқукий шароитлар яратиш;
- экология масалаларини ҳал қилиш;

- умуреспублика транспорт ва мұхандислик коммуникацияларини ривожлантириш;

- ишлаб чиқаришда янги тармоқтарни ташкил қилишга доир қарорлар қабул қилиш.

Демак, ваколатларнинг қайта тақсимланиши фуқаролик жамияти субъектларини ривожлантириб бориш имконини беради. Шу маңнода Ўзбекистонда маъмурий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маъмурий ислоҳот-лар жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви билан боғлиқ органлар ва ходимлар сони қисқартирилди. Бу жараён нодалат нотижорат, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсир кучини ошириши лозим эди. Лекин бу борада қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

- жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ҳамон ўзининг қонуний асосдаги ваколатларига эга эмас;

- жамоат ташкилотларининг фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонуний асослар етарли эмас;

- жамоат ташкилотлари ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари (ҳокимликлар) ўз зиммасига олишга интилиш бор;

- давлат аппарати (ҳокимликлар) фуқароларнинг уюшмалари ҳисобига ўз ваколатларини кенгайтиришга ҳаракат қилиши юзага келмоқда;

- ёшлар фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этишга қодир бўлган қадриятлардан анча узоқ, аммо, шу билан бир вақтда, уларда қонунийлик, муросага келиш сингари муҳим нормаларни қабул қилишга мойиллик сезилмоқда;

- Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта авлод вакиллари, шунингдек, аҳолининг олий маълумотли қатлами ташкил этмоқда;

- ҳокимият тузилмаларида хотин-қизлар вакиллари ҳиссасини ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳали фойдаланил-маган салоҳият захирасидир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўзига хос миллий «ўзбек модели» муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки давлатимиз ислоҳотлар жараёнида, бир вақтнинг ўзида учта долзарб масалани ҳал этиш муҳим бўлмоқда:

- миллий давлатчилик қуриш;

- бозор иқтисодиётини барпо этиш;

- фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантирад эканмиз, Президент И.А.Каримов машхур беш тамойилнинг амал қилинишини алоҳида таъкидлаган эди: «Бу устувор йўналишларнинг айримлари – хусусан, қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам бизнинг олдимизга кўйган мақсадларда қимматини йўқотмайди».<sup>1</sup> Демак, Ўзбекистон давлати ижтимоий ҳарактерга эга бўлади ва шу сабабли демократик ҳуқуқий давлат деб аталади. Давлат маъмурий буйруқбозлик ва бюрократиядан бутунлай воз кечиб, ҳукм қилувчи эмас, балки таъсир этувчи кучга айланади. Бу эса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» стратегик мақсадимизнинг амалий ифодаси, миллий моделимиздир.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва Конституция ҳамда қонун устуворлиги тамойилига мувофиқ кечмоғи даркор. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, сиёсий партияларни молиялаштириш, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат фонdlари, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 11-бет.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганидан яққол далолатдир.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, демократик сайлов тизими, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, оила ҳамда унинг манфаатлари, таълим-тарбия муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар, миллий-маданий марказлар; жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари каби турли субъектлар киришини назарда тутган ҳолда, шуни таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири – нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар сафини кенгайтириш баробарида, мавқеини кескин кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти томон ривожланиш йўлларидан бири - аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш тизимини нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтказа боришдан иборат. Мамлакат Президенти Ислом Каримов қайд этиб ўтганидек, «Бозор томон ҳаракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳимоялаш чоралари ҳам ўзгара боради. Ислоҳотнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос қоидлари мос келади».

Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусияти саналади. Маълумки, болалар ва ўсмирлар Ўзбекистон аҳолисининг 43,1 фоизини ташкил қилади. Жами аҳолининг ярмидан кўп қисми болалар, ўқувчилар, пенсионерлар, ногиронлар ва ёрдамга муҳтоҷ табақалардан иборат.

Республика иқтисодиётига тушаётган бундай оғир демографик юк ижтимоий ёрдам кўрсатиш манбалари доирасини кенгайтириш лозимлигини шарт қилиб қўйди. Шу туфайли нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялаш жараёнига тобора кенгроқ жалб этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир» номли маъruzасида «Мен бу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман, - дейди Ислом Каримов.

Одамлар онгода демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй берастган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir».<sup>1</sup>

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг кенг қатламларини ўз ичига қамраб олувчи турли жамоат бирлашмаларидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 6 минг дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари расмий равишда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига, шунингдек, 80 дан зиёд миллий маданий марказлар, 40 дан ортиқ жамғарма ва хайрия ташкилотлари, 65 та жамият, 19 та бирлашма, 34 та ассоциация, 37 та федерация, 16 та тармоқ касаба уюшмаси, 40 дан зиёд аёллар ва болалар ташкилотлари киради. Шуни қайд этиш кифояки, факат Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 53 мингдан зиёд бошланғич ташкилотга бирлашган 7,5 миллиондан ортиқ аъзоси бор.

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра куйидагиларга бўлинади:

<sup>1</sup> Каримов И.А, Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005, 181-182-бетлар.

- биринчиси - аҳолининг муайян йирик тоифалари ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар қаторига «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси, «Нуроний» фахрийлар жамғармаси киради;
- иккинчиси - ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар - «Экосан», «Соғлом авлод учун» ва чет элда таълим олиш учун истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Истеъод» жамғармаси, Орлни қутқариш жамғармаси, Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани;
- учинчиси - ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳукуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар - Инсон ҳукуқлари ва гуманитар ҳукуқни ўрганиш маркази, ҳукуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва ҳ.к.;
- тўртинчиси - ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари - (ёзувчилар, артистлар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, киночилар, судьялар ва адвокатларнинг жамоат ташкилотлари);
- бешинчиси - Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоат вакиллари маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирилган маданий марказлар 100 тадан ортик;
- олтинчиси - умуммиллий хайрия жамиятлари ва хилма-хил жамғармалар (болалар жамғармаси, болалар уйларининг тарбияланув-чиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси; Республика талабалар жамғармаси ва ҳ.к.);
- еттингчиси - ижтимоий аҳамиятли ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан, экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар, сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари;
- саккизинчиси - жамоатчилик бирлашмалари («Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи «Сабр» ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар).

*«Кучли давлатдан - кучли жамият сари»* деган тамойилни ҳаётга жорий этиш, нодавлат тузилмаларнинг жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва аҳамиятини кучайтириш Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессиясида айтганларидек, *«давлат тузилмаларининг ролини камайтиши ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўtkаза боришини тақозо этади»*.<sup>1</sup> Давлатимиз бошлиғининг шу фикрлари фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини оширишнинг асосини ташкил қиласди, десак янглишмаймиз.

Демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятида жамоат бирлашмаларининг роли нималардан иборат бўлади? деган савол туғилиши мумкин. Шубҳасиз, давлатнинг роли ҳозиргидек бўлмаса ҳам, муайян даражада сақланиб қолади. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, у аввало иқтисодиётни ривожлантириш борасида устувор йўналишларни аниқлашда, қабул қилинган қонунлар ва ҳукуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашда, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришда, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ҳаммага баробар шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Марказий ва юқори бошқарув давлат идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш ҳам ҳаётимизни эркинлаш-тиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Хўш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақомига кўра, қандай ишлар билан шуғулланади?

Биринчидан, улар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш борасидаги ҳукуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 27-бет.

Иккинчидан, ўз ҳудудида оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги, ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, шунингдек, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш, қонунларни ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кўмаклашиш мақсадида фуқароларни уюштиради.

Учинчидан, миллатлараро тотувлик бўлишига кўмаклашади, негаки Ўзбекистонда аҳолининг этник таркиби хилма-хилдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки, молияси, бюджетига эга, кичик корхоналар, ширкатлар, устахоналар, хунармандчилик цехлари ташкил этиши учун банк кредити олишига кўмаклашади.

Бешинчидан, фуқаролар йиғинининг энг эътиборли ваколатларидан бири - корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш тўғрисидаги қарорларни бажаришни назорат этиш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эгалидир.

Олтинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали давлатнинг ижтимоий ёрдамидан фойдаланишни ҳуқуқий расмийлаштириш ва ижтимоий ёрдамни ўта ночор аҳолига тақсимлашни амалга оширади.

амалга оширилаётган демократлаштириш ва ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш билан боғлиқ тизимли чора-тадбирлар самарали амалга ошириш натижасида охирги йиллар давомида мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти сезиларли даражада юксалганлигини эътироф этиш лозим, яъни, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги юксалганлиги, уларнинг жамиятда юз берадиган демократик ислоҳотларда қатнашиш истагининг юқорилиги, ҳамюртларимизни ижтимоий, мулкий ва ҳаётий муаммоларини ечишда ҳуқуқ воситалардан фойдаланиш кўнимкамларининг ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жараёнларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин эгалайди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтуларининг тизимини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва бошқа демократик институтлар ташкил этади.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари шакллантирилган бўлиб, фуқароларнинг жамият ҳаётида teng ҳуқуқлилик асосида қатнашишлари учун имкониятлар яратилган. Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикасида бир қатор норматив- ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисидаги»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқалар қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунларнинг мақсади фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга янада кенгроқ жалб этиш, фуқаролар онгида демократик қадриятларга нисбатан хурмат муносабатини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу курсаткич 2000 йилга қарагаанда 2,5 баробар кўпдир. Булар қаторида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қумитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари”, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин.

Фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият юритаётган институтларнинг ихтисослашувига эътибор фаратсак, сиёсий партиялар -4 тани, миллий маданий марказлар - 130 дан зиёдни, жамғарма ва хайрия ташкилотлари -69 тани, жамиятлар -77 тани, уюшмалар -22 тани, ассоциациялар -57 тани, федерациялар -53 тани, тармоқ касаба уюшмалари -14 тани, ижтимоий ҳаракатлар -2 тани, миллий қўмиталар -5 тани, аёллар ва болалар ташкилоти

-48 тани, халқаро ва жамоат ташкилотлари -62 тани ҳамда ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари -70 тани ташкил қиласди.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари иштироки ҳақида фикр юритганда, мазкур демократик институтларнинг бу йуналишдаги фаолиятини алоҳида таҳлил этиш максадга мувофиқдир.

Бу ўринда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти ҳисобланган фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимизда бугунги кунда **маҳаллалар сони 9913** тани ташкил этади. «Ватан ичра-Ватан» дея ном олган, жамият хаётида, таълим-тарбияда, одамлар орасидаги тинч-тотувлик, меҳир-оқибат. қўни-қўшничилик муносабатларида қадимдан миллий анъана ва қадриятларимизни руёбга чиқаришда катта ўрин тутиб келаётган, ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда, оилада инсон ҳуқуқвларига оид илк қарашларни ривожлантиришда маҳалланинг ўрни бекиёсdir. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 19 апрелда қабул қилинган ««Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 180-сонли К;арори асосида «Махсус комиссиялар», «Маҳалла посбонлари» ва «Яраштириш комиссиялари» фаолияти йулга қўйилган. Ушбу комиссиялар нафақат қонуну устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда, балки маҳаллада инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлигига республика миқёсида фаолият курсатаётган 8103 та «Маҳалла посбони» жамоат тузулмаларидағи 51148 нафар маҳалла посбонлари ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам қўрсатиб келмоқдалар.

Масалан, 2011 йил мобайнида маҳалла посбонлари томонидан 120568 дан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган, улар ёрдамида 4710 та жиноятлар фош этилган, шундан 466 таси беосита посбонлар томонидан очилишига эришилган. Кенг жамоатчлик вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган ижобий ишлар натижасида республика мизнинг 3589 та маҳаллаларида умуман жиноят содир этилишига йул қўйилмаган. Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, маҳаллада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида тушунтириш ишларининг сифатли амалга оширилаётганлиги инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга самарали таъсир курсатмоқда.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган 8957 та «Яраштириш комиссиялари» томонидан 47677 та турли ҳужжат ва масалалар куриб чиқилган. Шулардан, 34792 та оила турмуш тўғрисидаги можороли масалалар мухокама қилиниб 21073 та оилалардаги нотинчилкларга барҳам берилган ва 12182 та оилалар ажралиб кетишидан сақланиб қолинган.

Оммавий ахборот воситалари. Жамиятда фуқаролар онгида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда ОАВ алоҳида мавқега эга. 2011 йилнинг февраль ойи ҳолатига 1219 та оммавий ахборот воситалари Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб, шундан, жами газеталар 695 (*309 таси нодавлат*) тани, журнallар 250 (*112 таси нодавлат*) тани, бюллетень-ахборотномалар 17 (*3 таси нодавлат*) тани, телевидениялар 65 (*36 таси нодавлат*) тани, радиоканаллар 36 (*31 таси нодавлат*) тани, ахборот-информацион веб-сайтлар 152 тани ҳамда ахборот агентликлари 4 тани ташкил қиласди(1).

ОАВнинг асосий вазифалари энг аввало, давлат ҳокимиияти идоралари билан халқ оммаси ўртасида алоқа боғловчи асосий кўпrik сифатида жамиятнинг умумий хабардорлигини таъминлаш ва инсонларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини реал амалга оширишга хизмат қиласди(2).

ОАВ жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаолият юритувчи ижтимоий субъектлар билан муносабатга киришиш орқали мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга бевосита таъсир этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳолини Конституцияйий билимларини ошиб бориши, мактабларда Конституция бурчакларини ташкил этилганлиги, қомусни ўрганишга оид кўлланмаларни кўплаб чоп этилаётганлигини, инсон хуқуқлари соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги, халқимизнинг конституцияйий-хуқукий билимларини текшириш юзасидан социологик тадқиқотлар амалга оширилиб, уларнинг натижалари таҳлил асосида ушбу фаолиятни такомиллаштиришга йуналтирилганлиги ва бошқа бир қатор тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётганлиги мамлакатимизда инсон хуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Инсон хуқуқлари маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини янада кенгайтириш, телевидениеларда хуқукий мавзудаги кўрсатувлар намойишини кўпайтириш, уларнинг сифатига эътибор қаратиш, айниқса, биринчи даражали (праймтайм) вақтларида ушбу ~кўрсатувларнинг намойишини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий, хуқукий маданиятини ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокларини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос боғловчи вазифасини ўтайди. Барчамизга маълумки, хозирги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонида 4 та сиёсий партия ўз фаолиятини олиб бормоқда. Сўнги йилларда сиёсий партиялар мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий, сиёсий-хуқукий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нафақат қўллаб-қувватловчилар, балки энг фаол иштирокчиси сифатида ўзларини намоён этмоқдалар.

1 Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти «Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва демократлаштириш жараёнларини мониторинг қилиш» лойиҳаси статистик маълумотларидан фойдаланилган.

Давлат дастурларини амалга оширишда фаоллик курсатмоқдалар. Таҳлилларга кўра бир йил давомида мамлакатимизда сиёсий партиялар томонидан турли йуналишларда 50 000 дан ортиқ тадбирлар ўtkазилади, уларда 500 000 дан ортиқ фуқароларимиз иштирок этдилар. Ўз-ўзидан кўринадики, ушбу тадбирларда инсон хуқуқлари маданияти хақида тушунчалар берилса, аҳолининг катта қисми мазкур тушунча ҳақида билим ва маълумотга ҳамда тасаввурларга зга бўладилар. Демак, сиёсий партиялар аҳолининг нафақат сиёсий хуқуқларини амалга ошириш билан чекланиб қолмасдан, балки уларда инсон хуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эгадирлар.

Бундан ташқари, инсон хуқуқлари маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамиятиянинг бошқа институтлари ҳам бевосита ва билвосита иштирок этишади. Масалан, «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатини кўришимиз мумкин. Улар ёшларни билим ва маҳоратларини юксалтиришда, қобилиятларини руёбга чиқаришда. ўз хуқуқ ва зеркинликларини хуқукий ҳимояси юзасидан усул ва воситаларини амалга ошириш кўнікмаларини ҳосил қилишда, сиёсий ва хуқукий маданиятини оширишда қатнашадилар. Ёшларнинг онгидা инсон хуқуқлари маданиятининг шаклланиши хуқукий демократик давлатнинг катта ютуғи бўлиб ҳисобланади. Зоро, мамлакатимизнинг аҳолисининг 60 фоизидан ошиғини ёшлар ташкил қиласди. Ўз навбатида, эътиборимизни фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «Фуқаролик жамияти шаклланишида ёшларнинг ўрни ва роли» мавзусида ўtkazilgan социологик тадқиқотининг айrim натижаларига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу социологик сурор ёшлар орасида ўtkazilgan бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хуқуқлари буйича вакили (омбудсман) мамлакатимизда қандай фаолиятни амалга оширади?» деган саволга 78,7% респондентлар «давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон хуқуқлари лари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлайди» деган жавоб вариантини белгилаганлар. 15,4% респондент эса ушбу саволга жавбни айнан топа олмаган бўлсаларда, унга яқин жавобларни белгилашган.

Шунингдек, «Сиз ўз ҳам хуқуқларингиз бузилган деб ҳисобласангиз Ўзбекистон

Республикасининг қайси қонунига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қиласиз?» деган саволга 82,3 % респондент «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан» деган жавобни белгилаганлар. Шу билан бирга, «Сиз қонуний манфаатларингиз бирон бир мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан бузилганини билсангиз қайси давлат органига мурожаат қиласиз?» деб берилган саволга сўроғда қатнашган ёшларнинг 20,9% респондент «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Марказига»<sup>1</sup> деган жавобни беришган. Мазкур жавоблардан ҳозирги кунда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти жадал юксалиб бораётганлигини, ўз ҳуқук веа эркинликларини ҳимоя қилиш усул ва воситаларини тўғри англаб етаётганликларини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли онгода инсон ҳуқуқлари маданияти шакллантириш мамлакатда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминланишига, ижтимоий адолатнинг варор топишига, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари тўлиқ руёбга чиқарилишига, «кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини муваффақиятли татбиқ этилишига ва юртимиз тараққиётига муҳим омил сифатида хизмат қилади.

### **Назорат учун тест топшириқлари:**

#### **Фуқаролик жамиятида шахснинг сиёсий субъект сифатида шаклланиши нималарга боғлиқ?**

- а) шахсни жамият аъзолари билан ўзаро алоқада бўдищ эвазиша маънавий-интеллектуал савияси шаклланади;
- б) шахс сифатида моддий ва маънавий ноз-неъматлар ишлаб чиқаришда, ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқаришда фаол қатнашадиган субъект тариқасида намоён бўлади;
- с) шахснинг сиёсий субъект сифатида намоён бўлиши, унинг сиёсий субъект сифатида намоён бўлиши, унинг сиёсий онги, дунёқараши қай даражада шаклланганлигига боғлиқ;
- д) умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- е) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ватанпарварлик ва ҳ.к.

#### **Фуқаролик жамияти вужудга келишининг зарурий шарти ва муҳим белгиси қайслар?**

- а) фуқаролик жамияти эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасидаги рақобат ва бирдамлик, оилавий-қариндошлиқ муносабатлари натижасида вужудга келиши зарурий шарти ва муҳим белгисидир;
- б) барча фуқароларда хусусий мулқдорлик негизида иқтисодий мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг зарурий шартидир;
- с) инсониятнинг тарихий маҳсули сифатида фуқаролик жамияти феодал-табақавий тузумнинг ва тоталитар сиёсий ҳокимиятнинг қаттиққўл тартиби бузилган ҳуқуқий давлат шакллана бошлаган даврда пайдо бўла бошлайди;
- д) табақавий имтиёзларнинг тутатилиши ва шахс, инсон аҳамиятининг ортиб бориши, унинг табаадан тенг юридик ҳуқуқларга эга бўлган фуқарога айланиши фуқаролик жамияти вужудга келишининг муҳим белгисидир;
- е) b ва d жавоблар тўғри.

#### **Фуқаролик жамиятининг сиёсий негизи ва шаклини, учта сифат хусусиятини ажратиб кўрсатинг?**

- а) шахснинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат...;

<sup>1</sup> Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган ижтимоий сурʼов материалларидан фойдаланилган.

- b) фуқаролик жамиятининг хуқуқий хусусияти адолат ва эркинликнинг олий талабларига унинг мувофиқлигидир;
- c) фуқаролик жамиятининг функционал мазмунига эга хусусияти шундаки, жамиятнинг ўзи ўз тарраққиётининг янги даражасига кўтарилиб, тегишли функцияларни давлатнинг аралашувисиз, мустақил амалга ошириш имкониятига эга бўлади;
- d) мулкий, иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, диний, ахлоқий манфаатларни таъминлашга хизмат қилувчи муносабатлар;
- e) табиий эҳтиёжлар ва манфаатлар, плюрализм, ижтимоий бирдамлик.

**Фуқаролик жамиятининг олий қадриятини аниқланг?**

- a) демократия, хуқуқ, сиёsat, хусусий мулк;
- b) инсонни ҳаёти ва соғлиги, сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий мустақил шахснинг қадр-қиммати, ижтимоий бирдамликни англаб етиш ва ҳ.к;
- c) эркин ва тенг хуқуқли ҳамкорлик, рақобат ва бирдамлик, ўзаро муносабатлар;
- d) мулкий, иқтисодий, ижтимоий, хуқуқий, диний, ахлоқий манфаатларни таъминлашга хизмат қилувчи муносабатлар;
- e) табиий эҳтиёжлар ва манфаатлар, плюрализм, ижтимоий бирдамлик.

**Фуқаролик жамиятининг бош мақсади нима?**

- a) инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, шахснинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратишдан иборатdir;
- b) давлатни ва давлат органларини назорат қилишdir;
- c) аҳоли турли табакаларининг кўплаб манфаатлари ва эҳтиёжларини эътиборга олиш ва мувофиқлаштириш ўйли билан умумфуқаровий муросага эришиш, зиддиятларни бартараф этиш ёки юмшатишдан иборатdir;
- d) мулкдорликнинг турли шаклларини, эркин шахснинг идеалларини рўёбга чиқаришdir;
- e) шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини таъминлашdir.

**Фуқаролик жамиятининг тузилиши деганда нима тушунилади?**

- a) жамиятнинг ички тузилиши, жамият элементларининг хилма-хиллиги ва ўзаро таъсири, ривожланишнинг яхлитлиги ва суръатининг ўсиши;
- b) ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг турли ихтиёрий ташкилот-лари, уларнинг уюшмалари, хайрия жамғармалари, ижодий, спорт, матлубот жамиятлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва бошқа ташкилот-лари ва ҳ.к. уюшмалар;
- c) фуқаролик жамияти ташкилий институтларининг таркибий тузилиши ва функциялари;
- d) одамларнинг ихтиёрийлик асосида ташкил топган бирламчи жамоалари;
- e) нодавлат нотижорат муносабатлар мажмуи, одамларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ва шахсий ҳаёти, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, диний эътиқоди, ахлоқи;

**Фуқаролик жамиятининг асосий элементлари қайслар?**

- a) фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти;
- b) фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти;
- c) фуқаролик жамиятининг асосини бозор муносабатлари ва ижтимоий гурухларни моддий имкониятларининг мувозанатини сақлаш;
- d) фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти;
- e) a, b ва d жавоблар тўғри.

**Фуқаролик жамиятининг негизини қандай муносабатлар ташкил этади?**

- a) сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, кўппартиявиyйлик;
- b) иктисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, диний муносабатлар мажмуи;
- c) инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, хусусий мулк дахлсизлиги муносабатилари;
- d) инсон юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларда сиртдан ифодаланга ўзининг табиий эҳиёjlари ва манфаатлари билан жамиятнинг интеллектуал энергияси ва иродасини ўзида жамланган тизим фуқаролик жамияти негизи ҳисобланади;
- e) иктисодий, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг етуклик даражаси, ҳуқуқий нормалар ва юридик миқёслардаги муносабатлар мажмуи ташкил этади.

**Фуқаролик жамиятининг асосий функцияси билан ижтимоий функциясига нималар киради?**

- a) ўз аъзоларининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёjlарини тўлақонли қондириш;
- b) шахс ва фуқаронинг шахсий ҳаёти соҳаларини давлат ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг асоссиз қаттиққўллик билан тартибга солишидан ҳимоя қилиш; жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш механизmlарини вужудга келтириш ва ривожлантириш;
- c) нодавлат ташкилотлари, ҳар хил бирлашмаларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига давлатнинг ноконуний аралashiшидан ҳимоя қилиш ва бу билан демократик фуқаролик жамияти сиёсий тизимининг вужудга келиши мустаҳкамланишига кўмаклашиш;
- d) фуқаролик жамияти институтлари ва ташкилотлари шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини реал кафолатлаш, фуқаролар ўртасида ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий алоқа боғлаш, барчага давлат ва жамият ишларида иштирок этишда тенг имкониятлар яратиб бериш, ўз аъзоларига нисбатан ижтимоий назоратни, яъни ўз ихтиёridаги воситалар ва санкциялар ёрдамида шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга мажбурлаш, фуқароларни табиялаши ва ижтимоийлаштиришни таъминлаш, жамият ҳаётини барқарорлаш-тириш функцияларини бажаради;
- e) a, b, c ва d.

**Фуқаролик жамиятининг сиёсий асос-белгиси тизимида қайси вазифалар устувор ҳисобланади?**

- a) оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ни эркинлаштириш, сиёсий-ижтимоий ва ғоявий ташвиқотни кучайтириш, фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш;
- b) аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизmlарни шакллантириш;
- c) одамларнинг сайлов ҳуқуқини, хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш учун қонуний-ҳуқуқий замин яратиш, кўппартиявиyйлик ва сиёсий плюрализмни йўлга қўйиш;
- d) «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий курилиш дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий ижросини таъминлашга киришиш;
- e) a, b ва с жавоблар тўғри.

**Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиши ва ривожланишида қайси хусусиятлар етакчилик қиласи?**

- a) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бир вақтда демократик ҳуқуқий давлат ҳам ривожланиб боришини, шахс ва давлат ҳокимияти ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишини тақозо этади;
- b) демократик тузумнинг зарур шарти ҳисобланган ҳуқуқий давлатнинг аста-секин ривожланишида ҳокимиятнинг анъанавий тарзда уч бўғинга тақсимланишигина эмас, балки уларни тўлдирувчи ҳокимиятнинг тақсимланиши ҳам намоён бўлади;

с) фуқаролик жамияти негизини кучайтириш ва давлат патернализмини камайтириш, ўзини узи тартибга солиш механизмини шакллантириш, иқтисодни монополиядан чиқариш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, бюрократия аппаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўппартияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш;

д) Ўзбекистонда фуқаролик жамиятни шакллантиришда бағрикенглик ва ҳамкорликда иш олиб бориш ўзбек ҳалқининг менталитетига хос хусусиятлар етакчилик қиласди;

е) фуқаролик жамияти ишларига ва фуқаронинг шахсий ҳаётига давлатнинг ортиқча араласишига йўл кўймаслик, давлатнинг фуқаролик жамияти олдидаги бурчларини қонунлар асосида қайд этиш, хуқукий давлат тўғрисидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **Ўзбекистон Республкаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -382 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.
5. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш - давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -526 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007. -320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда Т.: Ўзбекистон, 2000.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -144 б.
18. Каримов И.А. Ватанимиз ва ҳалқимизга саодат билан хизмат қилиш олий саодатдир. Т., 2007. -64 б.
19. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 2007. -48 б.
20. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
22. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
23. Каримов. И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. -Т: Ўзбекистон, 2011. - 360 б.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида -Т.: Ўзбекистон, 2011.
25. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. -Т.: Ўзбекистон, 2012.

26. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир./Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 7 декабрь.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 21 январь.

28. Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2015 йил 23 январь.

29. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.//Халқ сўзи, 2015 йил 24 январь.

#### **Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:**

30. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 40 б.

31. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси -1997. 2-сон, 36 модда.

32. Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2004. 5-сон, 86-модда

33.“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси 2007 1-сон, 2 модда

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-2085-сонли қарори.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги N ПҚ-2050-сонли қарори.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

36. Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. –Т.: Академия, 2001. -112 б.

37. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. -Т.: Академия, 2000.

38. Бекмуродов М. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. -Т.: 1999. 245 б.

39. Бобоев X., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. -Т.: Ўзбекистон, 1999.

40. Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -368 б.

41. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти: (сиёсий-фалсафий қирралар) -Т.: Ўзбекистон, 1996. -256 б.

42. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. -Т.: Шарқ, 1998.

43. Жўраев Н. Агар огоҳ сен.... -Т.: Шарқ, 1998. -272 б.

44. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. -Т.: Шарқ, 2001. -240 б.

45. Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси, амалиёти. -Т.: Маънавият, 2002. -80 б.

46. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. -Т.: Академия, 2008. - 412 б.
47. Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. -Т.: ТошДШИ, 2003.
48. Идиров У. Ўзбекистон: замонавий демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари. -Т., 2005.
49. Исломов З. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -264 б.
50. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -368 б.
51. Маҳмудов М. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2001. 160 б.
52. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -80 б.
53. Мирхамидов М. Ўзбекистон: демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида. -Т.: 2003.
54. Сайдов А. Сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши ва демократик ҳукуқий давлатнинг шаклланиши. //Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. Тўплам. -Т.: Шарқ, 2002.
55. Темур тузуклари. -Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. -144 б.
56. Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. -Т.: Академия, 2005. -104 б.
57. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. (Академик М.Хайруллаев таҳрири остида). -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
58. Холбеков А., Матибоев Т. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Янги аср авлоди, 2004. -186 б.
59. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. -Т.: Шарқ, 2003. -269 б.
60. Юнусов Х. Ўзбекистон: сиёсий ислоҳотлар ва жаҳон тажрибаси. -Т.: 2002.
61. Эргашев И., Шарипов Б., Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т.: Академия, 2002. -60 б.
62. Ўзбекистон Республикаси референдуми миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
63. Ўзбекистонда сиёсий партиялар. – Т.:Минтақавий сиёsat жамғармаси. 2007. -249 б.
64. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -48 б.
65. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. -Т.: Академия, 2005. -640 б.
66. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти сари: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. -Т.: Шарқ, 1998. -160 б.
67. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. -Т.: Янги аср авлоди, 2006. -203 б.
68. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият (ҳукуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). -Т.: Шарқ, 1996. -160 б.
69. Эргашев И. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. -Т.: “Академия” 2005.
- 70.Яшнарбеков А. Инсон ҳукуқари маданияти ва фуқаролик жамияти институтлари//Инсон ҳукуқлари маданиятини шакллантириш – мамлакатда инсон ҳуққлари ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик жасфягини янада ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим вазифа. Халқаро давр сұхбати материаллари. 2011 йил 30 июнь, Тошкент, 2003. -167-172 бетлар.